Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз сафида бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 7-may, №21 (578)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Кафтимиздаги **дунё**



Глобаллашув жараёни ер юзида бир қатор умумбашарий экологик муаммоларни ҳам вужудга келтирди. Иқлим ўзгариб, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга сезиларли даражада ошмоқда. Тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиб бориши етмаганидек, сув билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келди...

➪ 2-бет

Қалам азиз, **ижод** муқаддас

Мен ҳозирги истиқлолимиз даврида газета таҳририятларида ишлаётган ва ижод қилаётган журналистларни кўриб ҳавасим келади, қандай ҳурриятли, эркин замон келди деб. Қани энди мўъжиза рўй берса-ю, бир юмалаб ёш бўлиб қолсам эди...

➪ 3-бет

Бугунги ўқувчи нечта шеър ёд билади?

XV асрда зиёли, шоир бўлмоқ, адабий гурунгларда қатнашмоқ учун ўттиз минг байт (йигирма минг салафлардан, ўн минг замондошлардан) шеърни ёд билиш шарт ҳисобланган...

➪ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида "Истиқболли илмий тадқиқотларни ривожлантириш — жамиятнинг юксак интеллектуал салоҳиятини шакллантиришнинг асоси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида интенсив деҳқончилик тизимида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Қашқадарё вилояти Китоб туманида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан «Асрлар садоси» маданият фестивали бўлди. Жамғарманинг ушбу кенг кўламли лойиҳаси замирида халқимизнинг урф-одатлари, миллий ҳунармандчилик ва амалий санъати, мусиқа, рақс, халқ оғзаки ижоди – бир сўз билан айтганда, бой маданий меросимизни сақлаш, қайта тиклаш, юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этишдек олижаноб мақсад мужассам.
- Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкил этган тадбирда фахрий журналистлар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар топширилди.
- "Ўзэкспомарказ"да уч кун давом этган Биринчи республика инновация ғоялари ва лойиҳалари ярмаркасида ўзаро ҳамкорликка оид умумий қиймати 20 миллирад сўмдан ортиқ 400 шартнома ва аҳдлашув протоколи имзоланди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

"Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир".

Ислом КАРИМОВ

ЭНГ БУЮК **БАХТ**



Халқимизнинг таниқли ёзувчиларидан бири "Дунёда фарзандини кутаётган онадан ҳам кўра таъсирчан, юракни орзиқтирадиган ҳис йўқ", — деган эди. Дарҳақиқат, бу эътирофда ўзгача бир ҳикмат мужассам. Ёки фарзандини эмизаётган онани айтинг. Бу ишини аёл шунчаки табиий инстинкт туфайли амалга оширмайди. У ўзига ва турмуш ўртоғига шу тарзда ҳайкал қўяди, тирик ҳайкал. Шу тахлит жажжи гўдак вужудида аждодлари яшашда давом этади.

— Тавба, отасининг ўзи-я.

— Қуйиб қўйгандек, қиликлариям ўхшаб кетади.

Шунга ўхшаган гапларни ҳар биримиз деярли ҳар куни эшитамиз. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, шу сўзни отамиз ҳам эшитган, бобомиз ҳам. Демак, биз бобомизнинг бобосига, унинг бобосига... ўхшаймиз.

Бобокалонларимиз кимлар эди? Амир Темур, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий...

Биз шундай буюкларга авлодмиз, уларга ўхшаб кетамиз. Улар абадул-абад барҳаётдирлар. Уларнинг авлоди эканлигимизни, томирларимизда уларнинг қони оқаётганини юракдан ҳис этмоқ қалбимизга ғурур ва шижоат бахш этади.

Хотира шунинг учун ҳам керак-да асли. Хотира ва Қадрлаш кунида шунинг учун ҳам аждодларимизни ёд этамиз.

Агар кимдир халқни ўзлигидан айирмоқчи бўлса, аввало ўша халқни хотирасидан айиришга интилади. (Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» рамонидаги манқуртларни эсланг.)

Ҳа, хотира шунчалар азиз. Авлодлар хотирасида мангуга қолиш бахти эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу йўлда кишилар дарёлар ўзанини буриб юборади. Тоғларни улоқтириб ташлайди. Эзгулик қўлидан келмаса, Герострагга ўхшаб ибодатхонага ўт қўядиганлар ҳам топилади. Чунки ҳеч ким бу дунёдан беиз кетишни истамайди. Бекорга халқимиз «Умринг узоқ бўлсин», деб алқамайди, бекорга урушни «Номинг ўчсин», дея қарғамайди.

Кишилар ёдида қолмоқ учун баъзи «даҳо»лар қора йўллардан ҳам юради. Гитлер шундайлардан эди. У ҳар бири мангуликка даҳлдор бўлган неча-неча инсонларни қириб ташлашга интилганди. Қасоскор замин ундан қақшатқич тарзда ўч олди. Шармандаларча мағлуб бўлди. Янада мудҳишроғи, энди инсониятнинг неча-неча минг йиллик насллари уни фақат қонхўр жаллод сифатида хотирлайди.

Уруш қурбонларини-чи?

(Давоми 3-бетда.)

Сирожиддин Саййид,
Ўзбекистон халқ шоири

450 000 лола

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирасига

Ўтар давру давронлар,
Ўтгай алам, ғам, нола.
Ёт элларда сочилган
Тўрт юз эллик минг лола.

Тўрт юз эллик минг лола –
Ўзбекнинг болалари.
Бўстонидан айрилган
Ғунчаси, лолалари.

Кўз олдингга келтирсанг
Бўйларию кўз-қошин.
Тўрт юз эллик минг лола –
Кўкрагида қўрғошин.

Ҳар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ёт элларда ётибди
Тўрт юз эллик минг болам.

Ўз кўчамдан хайрлашиб
Кетган чангу ғуборим.
Менинг тўрт юз эллик минг
Хазон бўлган баҳорим.

Майса қоплар қирларни,
Еру осмон нурланар.
Сиз — кетган турналарсиз,
Сиз — қайтмаган турналар.

Хотира майдонида
Тошга айланган тонг бор.
Тўрт юз эллик минг ном бор,
Тўрт юз эллик минг бонг бор.

Ўтар давру давронлар,
Эскирмагай хотира.
Осмондай зангордир у,
Лола янглиғ бокира.

Ер юзининг гуллари
Элларнинг ноласидир.
Тўрт юз эллик минг лола –
Ўзбекнинг боласидир.

ТАНЛОВ

"Олтин қалам" соҳиблари

Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида "Олтин қалам" учинчи Миллий мукофотининг бу йилги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Тадбирда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар ва кўплаб ижодкорлар иштирок этишди.

Тақдирлаш маросими аввалида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлови раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, танлов нуфузининг йилдан-йилга ошиб, қамрови кенгайиб бораётганини бу йилги иштирокчилар сонининг кескин ошиб кетиши билан ҳам изоҳлаш мумкинлиги, ОАВни янада ривожлантириш йўлида ўтказилаётган бундай ишлар ўз самарасини бераётгани ҳақида гапириб ўтди. Рағбатлантирувчи мукофот совриндорларини эълон қилиш учун сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Пиримқул Қодиров ғолибларни аниқлашда



иштирокчилар ижодидаги қайси жиҳатлар эътиборга олингани ҳақида маълумот берди.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу танлов журналистларнинг кейинги ижодий изланишлари, шу баробарида ОАВ ривожида ҳам алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиладиган журналистика соҳасида фаолият юритаётганларни ушбу мукофот руҳан юксалтириб, янги ижодий изланишлар учун туртки бўлиши, шубҳасиз. Бу йилги халқаро танлов совриндорларининг ҳаяжон ва миннатдорчилик туйғулари ифодаси бўлган сўзларини эшитиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Хуршид ДАВРОН, Ўзбекистон телерадиоканали директори:

— Телерадиоканалимиз биринчи ва ҳамиша биринчи бўлиб қолишига ҳаракат қиламиз. Бизда 800 киши ишласа-да, томошабинлар 100 нафарингина танишади, холос. Ҳолбуки, бирор бир ютуққа эришишда жамоамиз аҳлининг бирдек ҳиссаси бор. Шунинг учун мен бугун қолган 700 та жамоадошларимизга ҳам чуқур миннатдорчилик билдираман.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррири:

— Ҳаётда шундай лаҳзалар бўларканки, уни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Мен худди шундай ҳолатдаман. Шу соҳада юзимиз ёруғ бўлиб юриш барчамизга насиб этсин.

Равшанхон ЖЎРАЕВ, "Uz.report.com" Интернет портали директори:

— Шундай юксак мукофотга муносиб кўришгани учун ҳакамлар ҳайъатига чуқур миннатдорчилик билдираман. Порталимиз 1999 йилдан бери интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга баҳоли қудрат уринятти. Бундан кейин ҳам халқни ҳаққоний ахборотлар билан узлуксиз равишда таъминлаб боришга ҳаракат қиламиз.

Тўлқин ЭШБЕКОВ, ЎзМУ журналистика факультетининг катта ўқитувчиси:

— "Олтин қалам" ижодий изланишларимизнинг олтин сўзлар билан бойитилишига туртки бўлади, деб ўйлайман. Барча совриндор бўлган ҳамкасбларимизни табриклаб, юксак парвозлар тилайман.

Бўлиб ўтган маросим сўнггида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Абдулла Арипов сўзга чиқиб, келгуси йилдаги танлов жараёнида қўллаш мумкин бўлган фикр ва таклифларини билдириб ўтди. Танловнинг кейинги нуфузи янада сарбаланд бўлиши эса бугундан аён бўлаётганини кўпчилик эътироф этмоқда.

Умид ДЎСТҚОБИЛОВ

2»

ДУНЁ СИЁСАТИ

Эҳуд Ольмертга қарши **навбатдаги айблов**



Исроил полицияси мамлакат бош вазири Эҳуд Ольмертга қарши яна бир жиноий иш бўйича айблов ҳозирламоқда. Jerusalem Post газетасининг ёзишича, мамлакат бош прокурори полиция идорасига ҳукумат раҳбарини сўроқ қилишга рухсат берган.

Маълум бўлишича, бу ўринда гап "Ликуд" партиясига 1999-2002 йилларда АҚШ фуқароси томонидан берилган молиявий ёрдам маблағи қаерга сарфлангани устида кетмоқда. Тахминга кўра, мазкур маблағлар Эҳуд Ольмерт томонидан Қудус шаҳри ҳокимлиги учун сайлов кампаниясига харжланган.

Исроил бош вазири номи ҳозирга қадар учта жиноий ишда тилга олинган. Тергов идораси Э. Ольмерт савдо ва саноат вазири бўлиб ишлаган пайтда давлат ғазнасидан собиқ ҳамкори, адвокат Уриэль Мессернинг компаниясига 10 миллион доллар маблағ ўтказган деб ҳисобламоқда. Шу билан бирга, ҳукумат раҳбари порахўрлик ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларда ҳам гумон қилинмоқда.

5»

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган ҳудудлардаги ёш журналистларнинг пойтахт марказий нашрларида малака оширишига оид лойиҳа натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

- Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

- Ўзбекистон Фанлар академиясида Яҳё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий илмий анжуманда академик Я.Ғуломовнинг илм-фанимиз тарихидаги ўрни, халқимизнинг ўтмиши ва давлатчилигимиз тарихига оид янги тадқиқотлар, манбашунослик ва тарихшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларга оид маърузалар тингланди.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

- Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсди. Саноат ишлаб чиқариши 12,3, халқ истеъмоли моллари 15, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,7, чакана савдо 14 фоизга ошди.

- Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Ҳазарбоғ» сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг муқобил машина-трактор паркида ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва ўғит сепишда қўлланиладиган мосламалар кўргазмаси бўлиб ўтди.

- Нукус шаҳрида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида тайёрланган саноат маҳсулотлари ва кооперацион биржа савдоси ярмаркаси ўтказилди.

- Томди тумани «Керсетов» қорақўлчилик ширкат хўжалиги ҳудудида «Асем» кичик корхонаси иш бошлади. 15 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада чўпонлар учун ёзги ва қишки кийимкечаклар, кўрпа-тўшак ва бошқа уй-рўзғор буюмлари тикилмоқда.

- Олтиариқ туманида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг Фарғона вилояти бўлими ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамкорлигида "Экологик маданиятни шакллантиришда ёшлар олдида турган вазифалар" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

- Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 55 корхона ва ташкилот 200 дан зиёд янги иш жойлари билан қатнашди. Шу куни ишга талабгор юздан зиёд йигит-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.

- Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида жунни қайта ишлайдиган "Шерози-жун" хусусий кичик корхонаси ишга тушгач, бу ерда 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Корхонада ҳар куни икки тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

- Фарғона туманининг Лоғон қишлоғида "Қувасойтаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти саъй-ҳаракати билан янги корхона ташкил этилди. Бу ерда ёшлар учун қирқдан зиёд янги иш жойлари яратилди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган тармоқ кунига олти минг дона шифер тайёрлаш қувватига эга.

- Термиз шаҳридаги марказий деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

- Гулистон шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида ёш рассомлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда элликдан зиёд ёш иқтидор эгаларининг ижод намуналари намойиш этилди.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДАГИ БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

«Ўзбекистон» телерадиоканали — директор Хуршид Даврон.

Мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни кенг ёритгани учун.

АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

Энг яхши журналистик материал учун

Телевидение:

1-ўрин:

Комилжон Шамсиддинов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион кўрсатувлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари. Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони ҳақидаги «Сен — тинчликсан, сен — саодат, сен — эрксан» ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Шомдан тонггача» бадиий-публицистик видеофильмлари учун.

2-ўрин:

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси Ахборот марказининг **«Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастури** — бош муҳаррир Бахтиёр Тўрахонов. Мамлакат ҳудудларидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларнинг боришини кенг ёритгани учун.

3-ўрин:

Саодат Омонова — «Ёшлар» телерадиоканали «Давр» ахборот кўрсатувлари бош муҳарририяти шарҳловчиси. Парламент фаолиятини ёритишга бағишланган туркум ахборот-таҳлилий материаллари учун.

Радио:

1-ўрин:

Азимжон Пўлатов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририяти бўлими мудири. Хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экологик муаммоларга бағишланган радиоэшиттиришлари учун.

2-ўрин:

Тўлқин Ёркулов — «Спорт» телерадиоканали шарҳловчиси. Ёшлар мавзусига бағишланган туркум радиоэшиттиришлари учун.

3-ўрин:

Хуршидабону Йўлдошева — «Рухсор FM» радиостанцияси мухбири, Марғилон шаҳри. Ўзбек халқининг анъаналари ва қадриятларини сақлашга бағишланган радиоэшиттиришлари туркуми учун.

Матбуот:

1-ўрин:

Жаҳонгир Исмоилов — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири. Мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислоҳотларни ёритган материаллари учун.

2-ўрин:

Михаил Егоров — «Зеркало XXI» газетаси бош муҳаррири. Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий мавзудаги материаллари учун.

3-ўрин:

Нодира Манзурова ва Ирода Умарова — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари. Ўзбекистонда юз бераётган ички сиёсий воқеалар ва халқаро кўламдаги тадбирларни тезкорлик билан ёритишгани учун.

Интернет-журналистика:

1-ўрин:

"Uzreport.com" Интернет портали — директор Равшанхон Жўраев. Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни атрофлича ёритгани учун.

2-ўрин:

Аймурат Альниязов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг Тил ва адабиёт институти директори. Диний мавзудаги таҳлилий материаллари учун.

3-ўрин:

Беҳзод Ҳожиматов — "Регион информ" Ахборот хизмати бош муҳаррири. www.region.uz сайтидаги ижтимоий-сиёсий мавзудаги материаллари учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР

Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:

Сайди Умиров — ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири. **Борис Кнопов** — «Общественные науки в Узбекистане» журналининг масъул котиби.

Фаол фуқаролик позицияси учун:

Тўлқин Эшбеков — ЎзМУ журналистика факультетининг катта ўқитувчиси.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

Фарҳод Бобожонов — "Ўзбекистон" телерадиоканалининг Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири.

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

«Давр овози» — Фарғона вилояти Олтиариқ тумани газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Олимжон Ҳакимов.

«Ёшлар йили»га бағишланган энг яхши материал учун:

Гулбаҳор Азимова — «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири.

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун:

Абдували Қутбиддинов — «Халқ сўзи» газетаси мухбири.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун:

Чорикули Насритдинов — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти доценти.

Энг яхши журналистик текширув учун:

Комилжон Қодиров — Мустақил журналист.

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:

Шавкат Маҳбубов — Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий офицерлар саройининг Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўлими бошлиғи.

Энг яхши режиссёрлик иши учун:

Лутфия Рўзибоева — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари» кўрсатувлари режиссёри.

Йилнинг энг яхши дебюти учун:

«Келажак овози» ёшлар телестудиялари лойиҳаси — лойиҳа раҳбари Баҳодир Шарофов.

Энг яхши фоторепортаж учун:

Абу Кенжаев — «Постда» ва «На посту» газеталари фотомухбири.

Энг яхши карикатура учун:

Радик Азизов — Ўзбекистон Бадиий академияси сектор мудири.

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун:

Аммор ал-Санжарий — «Ал-Баён» газетаси ва Шаржа амирлиги телевидениеси /Бирлашган Араб Амирликлари/ мухбири.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАРИ:

БМТ

Ёшлар мавзусини ёритгани учун:

1. **Марина Низовцева** — «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири.
2. **Жамила Ҳайдарова** — «Гунча» журнали масъул котиби.
3. **Гулзебо Иброҳимова** — «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири.

ЮНЕСКО

Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун:

1. **Ильвира Мамажонова** — «Ёшлар» телерадиоканали «Истиқбол» телелойиҳалар студияси раҳбари.
2. **«Ирмоқ» журнали таҳририяти** (бош муҳаррир Ҳамза Жумаев).

Жаҳон банки

Қишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини мукаммал ёритгани учун:

Моҳинисо Камолова — «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари.

Шу йилнинг 30 апрель — 2 май кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" биносида "Иннавацион ғоя ва лойиҳалар" республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарка доирасида ЭКОСАН халқаро ташкилоти "Ёшлар ва инновацион тараққиёти" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг ёш олимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда йирик саноат корхоналари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида айтилганидек, ҳаётимизга интернет ва мобиль телефон тизимининг кириб келганига бир неча йил бўлди. Улар кўп ҳолларда шунчаки алоқа воситаси ёки ахборот манбаи сифатида тушунилади. Интернет ва мобиль телефон тизими ахборот алмашиш тезлигини кескин ошириш билан бирга баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Буни биргина ахборот хавфсизлиги мисолида кўриш мумкин. Ҳозирда дунёда ахборот ва интеллектуал маҳсулотнинг тарқалиши кескин даражада эркинлашган. Яъни, бугун Ўзбекистонда ёки Германияда яратилган телефоннинг янги тури эртага Хитой ёки бошқа бирор давлатда сотувга чиқарилмоқда. Олимлар бу ҳолатни глобаллашув жараёнининг таъсири деб изоҳлашмоқда. Демак, глобаллашаётган дунёни информация ва коммуникация эркинлашуви, иқтисодиёт бозоридаги салбий-ижобий ўзгаришлар, технология ва интеллектуал маҳсулот алмашинуви содир бўлаётган ягона майдон деб тушунишимиз мумкин.

Глобаллашув жараёни ер юзида бир қатор умумбашарий экологик муаммоларни ҳам вужудга келтирди. Иқлим ўзгариб, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга сезиларли даражада ошмоқда. Тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиб бориши етмаганидек, сув билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келди. Чучук сувга бўлган талабнинг қондирилмаслигининг ўзи катта бир глобал муаммо. Она табиатда биологик хилма-хилликнинг қисқариб бориши-чи?

Глобал муаммоларни бартараф этиш осонми ёки унинг олдини олиш маъқулроқмикан? Ана шу икки мақсадни бирлаштириб дунёнинг ҳар бир нуқтасида амалий ишлар қилинмоқда. Ёш кадрларни тайёрлаш мақсадида миллиардлаб доллор ва евро сарфланмоқда. Изланаётган олимларга ёрдам қўли чўзиб уларнинг тадқиқотлари амалиётга татбиқ қилиняпти. Бу жараённи амалга ошириш ва истиқболини яратиш бевосита ёшлар салоҳияти, билим ҳамда интилиши билан боғлиқ. Шундай экан, фундаментал ва амалий билимларни чуқурлаштириш, био-, нанотехнологияларни, информацион тизимни яратиш, экологик тоза технология ишлаб чиқишни янада жадаллаштириш орқали экологик муаммоларга қарши самарали курашиш мумкин. Қолаверса, бу борада олий ўқув юртларида дарс ва машғулотларни кўпайтириш масаласи ҳам давра суҳбати иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Ёшлар орасидан қобилиятлиларини танлаб олиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ЭКОСАН халқаро ташкилоти томонидан 1 млн. сўм миқдоридаги мукофот таъсис этилди. Бу мукофот ҳар йили 35 ёшгача бўлган 10 нафар олимга экология, био- ва нанотехнология, информацион-коммуникацион технологиялар, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш йўналишларида олиб борган энг яхши тадқиқотлари учун берилади. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам худди шундай мукофот таъсис этди.

Азим РЎЗИЕВ

ХОТИРА – УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

"Инсон қанча яшаши мумкин?.."

Баҳодир Муҳамедовни телевидениеда ишлаган одамлар яхши билишарди. Сиртдан қараганда, ўта жиддий, қаттиққўл, гулдиракдек овоз соҳиби; ички оламига боқа олиш насиб этган одамга аслида унинг меҳрибонлиги, дўст-ёрларига садоқати шундоқ уфуриб тургувчи эди...



Юқоридаги индалло ёзилди-ю, ўйлаб қолдим: бўлмаяпти, жўнроқ чиқаётгандек. Боиси, Баҳодир Муҳамедов бу тахлит оддий, ҳамма учун битиладигандек хотираномалардан кўра айричароғига арзир эди-да. "Эди" сўзи юракка ўқдек қадалишини ҳам шу топда алам билан эътироф этасан. Бошқача эди раҳматли — гап-сўзлари ҳам, даллаги ҳам, ижодкорнинг кўнглини ола билиши ҳам, юриш-туришию ҳатто қизиққонлиги ҳам...

Менга ўхшаган саркашроқ ёшлар у кишининг олдига алланечук бир қувватлов илинжида дамба-дам кириб турардик. Кунига бир ярим-икки қути тамакини "кўрдим демайдиган" устознинг хонасидаги мудом анқиб турадиган сигарет ҳидими, столи устидаги ойна остига қистириб қўйилган, чорак асрча муқаддам Раж Капур билан тушилган суратми (тафсилоти сўралса, ҳар гал завқ билан сўзлаб бериладиган хотиротлар ҳам бир давр экан), инсоний бир тафтми (шуниси энг муҳими бўлса керак) — хуллас, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бир оҳанрабоси бор эди у кишининг.

...Бир куни Баҳодир ака менга "Бу ёққа юринг, укам" деб, ўтирганларида савлатига ярашиб турадиган "Волга"лари томон бошлаб қолдилар. "Бу одамнинг менда нима иши бор экан" дея, камина лол. Муддао машина ичида аён бўлди. Устоз бир неча жон Чилонзордаги каталакдек уйда қисилиб яшашимиздан хабардор эканлар, хабардорликлари баробарида кенг-мўлроқ, ишга яқинроқ жойдан киши билмас бошқа уй ҳам дараклаб юрган эканлар. Ўша куни Навоий кўчасига яқинроқ жойдаги бир хонадонга, телевидениеда узоқ йиллар ишлаган фахрийнинг сотмоқчи бўлиб юрган квартирасига бошлаб бордилар. Тўғри, ўшанда бошқа бир важдан уй бўйича савдомиз пишмади-ю, аммо кейинчалик бу ва бошқа талай отаоналарча меҳрибонликларини унута олмадим. Телеканал раҳбарларидан бири бўлган, узоқ йиллар фақат биринчи лавозимларда ишлаган бу катта одамнинг кеча келган оддий бир мухбиргаки, эътибори шундайлигидан хижолатга тушган онларим ҳам бўлган. Фақат кейин-кейин бу меҳрибонликларга ўрганиб кетдик, ҳатто у кишини яқин олиб, эркаликни бироз ҳаддан ошириб юборган пайтлар ҳам бўлган. Кўтарардилар. Наинки кўтариш, балки мулоқотда ёш орасидаги тафовут билинмай ҳам кетарди.

Баҳодир ака мени форсчага тиши ўтади деб ўйлармиди ёки бошқа важданми, хартугул хоҳ мен, хоҳ ўзлари бир нимадан сиқилиб ва ё ториқиб ўтирган кезларда "Ин ҳам мегузарад" (яъни "Бунисиям ўтади") демоқни хуш кўрардилар. Хуш кўриш не экан, энди-энди ўйласам, бу жумла у кишининг ҳаётий шиорларига айланиб улгурган экан. (Водариғки, бугун ўзларининг ҳам ўтиб кетганларига ишонгим келмас).

Камина муаллифлик қилган кўрсатув ёки фильмларнинг қарийб барчасига ўзлари ном қўйиб бергандилар ("Сарҳадлар оша...", "Яқин-йироқлар", "Уфқ йўлларида"). Акалик маслаҳати ном қўйиш билангина чегараланиб қолмасди: ишнинг қайси жараёну босқичда эканлиги сўрабтергаларди, монтажнинг тепасига бориб дағдаға қилган киши бўлардилар ва ниҳоят кўрсатув эфир юзини кўргач... биринчи бўлиб қутлаган ҳам, таниш-нотанишга "Биззи шогирд ижоди", дея тарғиб қилган ҳам, ҳаттоки баъзи дашномларга кўксини тутиб берган ҳам ўзлари бўлардилар.

Бошроқда қистириб ўтганимиздек устоз кўп "бир-бирига улаб" чекардилар. Телемарказ биносига киравериш да қарасам, Баҳодир ака уч-тўрт ёш-яланг билан гурунг асносида чекишиб ўтирибдилар. Салом-аликдан сўнг машҳур шеър-эртакдаги мисрага тақлидан "Турибди, бари терилган расо, бошлиқ Баҳодир бобо", дея қилган ҳазилимга кулган бўлдилар-у, юз ифодаларидан андак оғринганлари сезилди. Кейин билсам, устозга "бобо" деган сўз нашъа қилибди.

— Бобоман, укам, бобоман. Аммо нима қилай, ҳар куни ишхонага келишим сабаби — сизларни кўргим келади, ёшаргандек бўламан, — дедилар маҳзун бир қиёфада.

— Унвонни кутаяпсиз-ов чамамда, — дедик биз яна ҳазил қилган киши бўлиб,

Индамадилар. Шу гапнинг тепасида фаришталар "омин" деб қўл очиб турган эканми, ўша йили устозга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилди. Аммо... Бу унвонни фахр билан кўтариб юриш Баҳодир акага бир йил ҳам насиб этмади... одатий бир куни ишга келсам, файеда устозимнинг — неча йил тергашини-ю мақтовини бирдек жон қулоғим билан тинглаган устозимнинг суратлари осиғлиқ турибди. Фақат бу гал ўтган сафаргидек "Қутлаймиз, юксак унвонлар мурорак!" каби лавҳа остида эмас, балки... четлари қора ҳошияга олинган... ўша ҳолатни эсласам, ҳануз кўзларимга милт-милт ёш келади, мармар устун кўзимга балодек кўринади.

Томошабин "ТВ Тест" рукни остида эфирга чиқадиган савол-жавобларни яхши билади. Ўшанда саволни момоқалдироқдек овоз билан устоз ўқирдилар. Ҳозир ҳаёлимга ўша митти кўрсатув келди ва ҳаёлан устоз овозларида "Инсон қанча яшаши мумкин?" деган савол янграгандек бўлди. Шу саволга жавоб сифатида қалбимдан одамга тақдир қанча умр ато этган бўлса шунча яшару аммо ҳамма ҳамма устоздек ёрқин ном, эзгу ишлар қолдира олдими деган ўй кечди...

Комилжон ШАМСИДДИНОВ, тележурналист.

Сўз заргари эдилар

Диктор Суннатилла Аҳмедов ҳаёти ва фаолиятидан бир шингил эслов

Оммa орасида радионинг ўрни ва мавқеи жуда баланд эди. Шунинг учун бўлса керак, Қодир Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаева, Қодир Тожиев, Баҳри Соатқулова, Раъно Ашрапова каби сухандонларнинг сеҳрли овозларини тингловчилар ҳали-ҳануз эслайдилар. Чунки номлари зикр этилган сухандонларнинг барчаларида ўзига хос услуб ва сеҳрли жозиба бор эди.

1980-85 йилларда Қодир Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаевадек сухандонларни бир кўриб, суҳбатлашиш орзусида юрганлар бисёр эди. Биз талабалар ҳам радионинг учинчи қаватига чиққанимизда дикторлар хонасига ҳавас билан кўз қиримизни ташлаб ўтардик. Қодир ака ёки Туйғуной опаларда одамни ўзига тортадиган жозибами ёки истарами, билмадик, сўз билан тасвирлаш мушкул бўлган нимадир бор эди. Радиосухандонликда Қодир Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаевалар ўз мактабларини яратган, бетакрор иқтидор эгалари эди. Шунинг учун ҳам ўша пайтларда радиосухандонлик майдонида кучли ижобий рақобат шаклланганди. Бу майдонга анча-мунча одам юрак ютиб кира олмаган. Биз бугун сўз юритадиган ва эслайдиган Суннатилла Аҳмедов ҳам эл эъзозидаги устозлари Қодир Маҳсумов ва Туйғуной опалар билан елкама-елка туриб ижод қилди. Ўта талабчан устозлар ва нозик дид тингловчилар эътиборини қозониш Суннатилла Аҳмедовга осон кечмади. Тўғри, Суннатилла ака болалигиданоқ Республика радиосининг болалар эшиттиришларида қатнашиб, бирмунча тажриба орттирганди. Лекин машҳур сухандонлар кўз ўнгида юриб, ижод қилиш машаққати ва масъулиятини ҳар ким ҳам эплай олмайди.

— Диктор ўзга муаллиф ёзган матнни худди ўзиникидай қилиб ўқиб бериши керак, — дейди "Машъал" радиоси сухандонлар гуруҳи раҳбари, олий тоифали диктор Туҳфа Аҳмедова, — Суннатилла Аҳмедов ҳар бир эшиттириш матнини худди ўзиникидек, қалбини бериб ўқирди. Шунинг учун ҳам у ўқиган эшиттиришлар тингловчига манзур бўлган.

Низомий номидаги Педагогика университетининг география факультетини тугатган бўлса-да, Суннатилла ака ўзбек тили қоидаларини мукаммал биларди. Сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқишни, тингловчи қийналмай тушунадиган равон гапиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Туну кун ўқиб-ўрганиш натижасида айрим журналистлар тайёрлаган саёз-роқ эшиттиришлар матнини муаллиф розилиги билан ҳатто таҳрир қилар эди.

«Радио ва телевидение муқаддас даргоҳ. Чунки бу минбарни миллионлаб одамлар тинглайди ва кўради. Унда ишлаётган ҳар бир ходим, у техник бўладими, журналист ёки диктормми, ким бўлишидан қатъи назар шу даргоҳга муносиб, тилда эмас, дилдан фидойи ва ватанпарвар, руҳан покиза бўлиши шарт. Акс ҳолда ишламагани маъқул», деган гапни Суннатилла акадан кўп эшитганмиз.

Қадим Тошкентнинг Эски шаҳарида "Заргарлар" деган маҳалла бор. Суннатилла ака ана шу маҳаллада туғилган. Падарибузруквор лари Ҳасан ота моҳир заргар бўлган, оналари Хосиятхон ая ўта мулоҳазали, билимли ва зукко аёл эди.

Ўз соҳасининг билимдони ва севимли инсони бўлиш ҳаммага ҳам насиб этаверадиган иш эмас. Суннатилла Аҳмедов таниқли радиосухандонлик даражасига эришган бўлсада, лекин бу билан чекланмай ўзи яшаётган пойтахтимизнинг Сергели туманида Бобур Мирзо номи билан аталадиган маҳаллада кўп ишларга бош-қош бўлди. Маҳалладаги мактаб ўқувчилари орасидан аълочиларини танлаб стипендия жорий қилди. Маҳалланинг ҳар бир аъзоси Суннатилла Аҳмедовни ўзининг сирдош дўсти, ҳамфикр, ҳаммаслагидек ҳурмат қилар, юрагидаги гапини тортинмай айтар эди. Бунга жавобан эса очиқ юз, фойдали мулоҳазалари билан ёрдам бериш Суннатилла аканинг доимий юмушига айланганига ўзимиз кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Ҳаёт кўзимизга қанчалик сеҳрли ёки жозибали кўринмасин бу оламда ҳаммамиз меҳмонмиз. Айни шу ҳақиқатни теран англагани учун ҳам Суннатилла аканинг бирорта одамга қаттиқ гапирганини ёки хафа қилганини ҳеч ким кўрмаган. Аксинча, юзларидан доимо нур ёғилиб, самимий жилмайиб туришлари кўз ўнгимизда мухрланиб қолган.

Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ, Исмат ХУДОЁРОВ, журналистлар.

ШУКРОНА

Дориломон кунлар қадри

Хотира ва Қадрлаш куни халқимизнинг энг хайрли, эзгуликни шиор қилиб, умри юрт равнақи, ободлигию озодлиги учун сарф бўлган салафларига эҳтироми куни. Зеро, юрт мустақиллиги, эрки учун жонини фидо қилган неча минглаб уруш, қатағон қурбонлари, халқимизнинг заковатли фарзандлари хотирасини ёд этиш, шунинг билан биргаликда, бугун мамлакат тараққиёти учун фидойилик билан меҳнат қилаётган кекса авлод вакилларини қадрлаш барчамиз учун энг олий бурчдир. Агар бугунги ҳурлик замонини муҳташам қасрга муқояса қиладиган бўлсак, унинг пойдеворини қўйган зотлар айнан ўшалар. Қасрнинг ҳар бир ғиштига бу инсонларнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига тортган азобу уқубатлари сингиб кетган.

Ижод аҳлининг ёши улуғ устозлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Мустақиллик туфайли улар ҳам қадр топишди, ҳурмат-эътиборга, иззатга сазовор бўлишди. Ва не ажабки, улар кексалик гаштини суриш билан биргаликда, ҳамон ёшларга ўрнак бўлиб, ижод қилишда, матбуотимиз ва адабиётимиз равнақига ҳисса қўшишда давом этмоқдалар. Ҳали бу инсонларнинг қиладиган ишлари кўп, айтадиган гаплари бисёр. Қуйида элимизнинг ана шундай кўп йиллик тажриба ва маҳоратга эга қалам аҳилларидан айримларининг мулоҳазалари билан танишасиз.

Қалам азиз, ижод муқаддас

Мақсуд Қориев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени ҳамда Халқаро “Олтин қалам” Миллий мукофоти соҳиби:

— Қуръони Каримнинг “Қалам” сурасида дейилганким, “Қалам Аллоҳнинг инсон зотига ҳадя этган буюк иноятидир”. Зеро, қалам билан қадим замонларда ўтган буюк бобокалонларимизнинг ноёб, тенгсиз мероси бизга қадар етиб келди. Ҳатто Қуръони Карим ҳам Аллоҳдан нозил бўлгач, қалам билан битилди ва нур каби бутун дунёга тарқалди.

Камина ушбу фикрларни келтирар эканман, ёш қаламкашларга демоқчиманки, “Қўлингдаги муқаддас ноёб қаламни ҳамиша покиза сақлагил, кўнглинг тўлмаган нарсаларга қўл урмагил”.

Мен ўз ҳаётим даврида узоқ йиллар шўро тартиблари ҳукмронлик қилган шароитда ишладим. У даврларда қалам аҳли учун газета саҳифаларида чиқиш анча мушкул эди. Республикамизда чиқадиган газеталар Москвадан келадиган муҳим ҳужжатлар, нутқлар ва маърузалар билан тўлиб чиқар эди. Маҳаллий муаллифларнинг мақола ва хабарларига кўп ўрин берилмасди.

Мен ҳозирги истиқлолимиз даврида газета таҳририятларида ишлаётган ва ижод қилаётган журналистларни кўриб ҳавасим келади, қандай ҳурриятли, эркин замон келди деб. Қани энди мўъжиза рўй берса-ю, бир юмалаб ёш бўлиб қолсам эди, белимни маҳкам боғлаб, шу озод, эркин, мустақил Ўзбекистоним учун ўзлигини англаган, қадр-қиммат топган миллатим учун жон-жон деб хизмат қилар эдим. Ҳозир ҳам қараб турганим йўқ. Яхшиларнинг илтифоти ила кўп томли танланган асарларимнинг янги жилди йилма-йил китобхонлар қўлига етиб бораяпти. Айниқса, икки қисмли “Ғазнавийлар” романимни муштарийлар яхши кутиб олишди. Мен бундан жуда хурсандман.

Истиқлол қадримизни қайтарди

Худойберди Тўхтабоев,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Авваллари бу кун ғалаба куни сифатида нишонланарди. Аммо ҳеч ким унинг асл маъно-моҳиятига эътибор бермасди. Бу кун учун, минглаб миллатимизнинг забардаст ўғлонлари қон тўкишган, аёллар ва қарияларимиз кунни тунга улаб, машаққатли меҳнат остида эзилган. Очарчиликка бардош берган шўрпешона халқнинг оҳу-фарёдлари мужассам бу кун замирида. Айтишим жоиз, бизнинг оиламиздан ҳам 5 киши уруш қурбони бўлган. Бувиларим бир умр уларнинг ёди билан яшаб ўтишди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бу кун Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди. Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш, иззат-икром кўрсатиш — қанчалик теран маъно бор бу ибора замирида. Миллийлигимиз уфуриб тургандек гўё. Авваллари яқин кишимиз ҳаётдан кўз юмса, минг йиллик одатларимиз, расм-русумларимиз бир четда қолиб кетарди, уни худди кераксиз буюм каби олиб бориб кўмиб келгандек бўлардик. Фотиҳага келганлар ҳам қўрққанларидан қўшнининг уйига киришарди. Бу нарсалар қанчалик аянчли бўлмасин, минг афсуски рост эди. Ёши улуғ кишиларга бўлган ҳурмат, инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-мурувввати, миллат учун жон фидо қилганларни эслаш каби энг улуғ фазилатлар эскилик сарқити деб аталарди. Инсон, устидаги кийими, еяётган таоми, ёки эгаллаб турган мавқейи билан эмас, балки аждодлари хотирасини ёд этиши, уларга муносиб бўла олиши билан улуғ. Истиқлол миллатнинг ҳар бир фарзандига ўзига хос эркинликни, улкан имкониятларни тақдим этди. Камина ҳам халқимизнинг оддий бир ёзувчиси сифатида қадр топдим. Собиқ иттифоқ замонида тут дарахти каби каллаклаб ташланган асарларим тўлалигича нашр этилди. Жумладан халқ озодлиги учун курашган Номоз Пиримқул ўғли ҳақидаги “Қасоскорнинг олтин боши” романимни чоп этиш чоғида унинг ватанпарварлик руҳи билан суғорилган кўпгина саҳифалари олиб ташланганди, тўлатилиб, қайта нашр этилди. Ижодкорнинг кўнгли совимасин экан, миллий озодлик ҳаракати етакчиларидан бири бўлган Мадаминбекка бағишланган романим катта тазйиқлар туфайли чала қолиб кетди.

Истиқлолнинг илк йилларида муҳтарам Юртбошимиз бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашиб, мамлакат тараққиёти ва унда ижод аҳлининг тутган ўрни хусусида суҳбатлашганди. Фахр билан айтишим мумкин, улар орасида мен ҳам бор эдим. Президентимизнинг бадиий адабиётни теран ҳис қилишини кўриб бир қувонган бўлсам, мазкур шахс тимсолидаги жасорат ва ақл-идрок намунасини кўриб, халқимизга шундай инсонни бош қилиб юборган парвардигорга минг бор шукрона айтдим. Истиқлол йилларида миллий урф-одатларимиз, осори-атиқаларимиз тикланди. Қадриятларимиз қайта кўз очди. Бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоят, туман, шаҳар марказларида ҳам хотира майдонлари мавжуд. Халқ ўтганлар хотирасини ёд этиб, тирикларни эъзозлаб яшамоқда. Буларнинг барчаси аввало халқимизга истиқлол ва унинг Меъмори томонидан берилган буюк туҳфадир.

Матбуотга хизмат – халққа хизмат

Тоҳир Мирҳодиев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «XXI аср» ижтимоий-сиёсий газетаси бўлим мудири:

— Қарийб эллик йилдан буён матбуот, янаям аниқроқ айтадиган бўлсам, газетачиликда ишлаб келаяпман. Мендан ташқари турмуш ўртоғим, қизим, келиним ҳам журналист. Ўғлим ҳам узоқ йиллар матбуотда ишлаган. Оиламизни том маънода журналистлар оиласи десак ҳам бўлади. Ўзим кўп йиллар давомида мамлакатимиздаги энг нуфузли газеталарда ишладим. Фаолиятимнинг катта қисми собиқ иттифоқ даврига тўғри келади. У даврларда фақат битта йўл, биргина шакллантирилган қолип мавжуд эди. Журналистлар ҳам юқорининг буйруқларига оғишмай қолипга тушишга, цензорларнинг ўткир кўзларидан паналаб, ўша сийқаси чиққан йўлдан юришга, керак бўлса, ўз кўнгилларига қарши боришга мажбур эдилар. Ниҳоят, ҳурлик шамоли эса бошлади-ю, бу нохуш ҳолатлар тагтомири билан қўпориб ташланди.

Кўнгилдаги гапни баралла айтиш фурсати етди, ёниб-тошиб халқ учун, ҳақ учун ёзадиган вақт келди. Энг асосийси эса, келажак авлодга улкан имкониятлар эшиги ланг очиб берилди. Улар бугун халқнинг кўнглидаги гапни ёзиш ва катта минбарда эркин фикр билдириш имкониятига эгалар. Фақат матбуотга сидқидилдан садоқат билан хизмат қилсалар бас. Матбуотга хизмат, халққа хизмат билан баробар.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашим жоиз, муҳтарам Президентимиз томонидан тўртинчи ҳокимият вакилларига катта эътибор кўрсатилмоқда. Ҳар йили мустақиллик куни арафасида камида бир неча нафар оммавий ахборот воситалари ходимига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвони берилади, ўндан ортиқ журналист давлат мукофотлари билан тақдирланади. Журналистлар ўртасида турли хил танловлар ўтказилиши ҳам бир сўз билан айтганда соҳа ва соҳа вакиллари учун ижобий юксалиш асоси ҳамда ривожланиш пиллапоясида юқорига қўйилган муҳим қадам бўлмоқда.

Истиқлол туфайли дунёга юз тутдик. 1999 йил "Мулкдор" газетасида ишлаб юрган кезларимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, дунё цвилизация бешикларидан бири бўлган қадимий эҳромлар юртига боришга муяссар бўлдим. «Мисрда беш кун» деган сафар таассуротлари ҳақидаги йўл очеркларим матбуотда ҳам эълон қилинган.

Агар қайта ҳаёт берилганда ҳам масъулиятли, айни пайтда шарафли бўлган ўз касбимни танлаб, бор куч-ғайратимни унинг тараққиёти учун сарфлаган бўлардим.

Минг шукрки, журналист бўлиб, кам бўлмадим, қадр топдим. Айни пайтда эса илмий-оммабоп ва сиёсий китоблар таржимаси билан машғулман. Ўйлайманки, улар ҳам халқимизга манзур бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун ҳам сафдаман, ҳамкасбларим, шогирдларим ардоғида меҳнат қилиб келаяпман. Матбуот мен учун ҳаёт. Шу сабабли ҳам дилимда фараҳбахш кунлар мадҳи жўш уради, қўлимдан қалам, тилимдан шукроналик ҳисси тушмайди.

ЭНГ БУЮК БАХТ

(Боши 1-бетда.)

Уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Тинчлик учун, бугунги осуда ва фаровон кунлар учун хотиралари олдида таъзим бажо келтирамиз.

Шайх Саъдий айтган экан, «Ҳар бир япроқ Аллоҳ маърифати битилган китобнинг бир варағидир». Демак ҳар бир гиёҳда, ҳатто жажжи қумурсқаларда ҳам Аллоҳ мўъжизаси мавжуд. Бундан келиб чиқадики, уларнинг ҳеч бирига озор етказишга ҳаққимиз йўқ.

Бир япроқ шунчалар азиз экан, табиатнинг олий жонзоди инсонга қилинган тажовузларни қандай баҳоламоқ керак. Ахир урушлар қанчадан-қанча инсонлар ёстиғини қуритиб юборади.

Уруш — улкан дард.

Тинчлик — даводир.

Инсон заковати ўша муолажани амалга оширадиган ҳакимдир.

Хотира муқаддаслигининг яна бир қадри шундаки, у бизга ўтган кунимиздан тўғри хулоса чиқаришни ҳам ўргатади.

Эзгуликни теран англамоқ учун ёвузликни, тинчликни қадрлашимиз учун урушларни эслашга мажбурмиз.

Аллоҳга шукурлар бўлсинким, бугун юртимиз тинч, осуда. Аслида бундан-да буюк бахт бормикин!?

Элбек ЖУМАНОВ

Куни кеча ҳафта давомида пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган кимё фани бўйича мактаб ўқувчиларининг 42-халқаро Менделеев олимпиадаси якунланди.

Ҳаяжонли лаҳзалар, унутилмас таассуротлар

Шу муносабат билан олимпиада ғолибларини тақдирлаш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тантанани халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмитаси ҳамраиси, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети кимё факультети декани, академик В.В.Лунин очар экан, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги баландлигини, шу билан бир қаторда 42-халқаро олимпиадага юксак даражада тайёргарлик кўрилганлигини яна бир бор мамнуният билан таъкидлади.

Умуман, халқаро олимпиаданинг Ўзбекистонда ўтказилганлиги, унда иштирок этган мамлакат вакилларини Президентимиз раҳбарлигида юртимиздаги таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, Кадр-

лар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан яқиндан таништириш ҳамда иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшларнинг имкониятларини кенг намоён этиш, рўёбга чиқариш, уларни дунёга таништиришга замин яратди. Ўтган йиллар мобайнида халқаро олимпидага мамлакатимиз вакиллари иштирок этиб, 7 та бронза, 2 та дипломни қўлга киритган бўлса, бу йилги олимпиадада юртимиздан 10 нафар ўқувчи 1 та олтин, 1 та кумуш, 8 та бронза, қўшимча бешликда эса 3 та бронза, 2 та диплом билан тақдирланишди.

Сўнгги натижаларга кўра: Украина 3 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза, Руминия 1 та олтин, 3 та бронза, Белорусь 2 та олтин, 3 та кумуш, 1 та бронза, Арманистон 2 та бронза, Қирғизистон 1 та бронза, Озарбойжон 2 та бронза, Молдова 1 та бронза, Латвия 1 та кумуш медалларни қўлга киритишди. Ғолибларга совринни М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори В.Г.Ненайденко ҳамда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров тантанали равишда топширдилар.

Биз бу йилги 42-халқаро олимпиаданинг олтин медаль соҳибларининг айримларини суҳбатга чорлаб, олимпиада уларга қандай имкониятларни очганлиги ва умуман ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

Кирилл Колесников, Украина Республикаси, Донецком халқаро университети қошидаги академик лицейнинг 11-синф ўқувчиси:

— Кимё жуда мураккаб фан. Қанча ўргансанг ҳам шунча кам туюлаверади. Очиғи, шундай халқаро миқёсдаги олимпиадага қатнашиш бахтига муяссар бўлганимдан мамнунман. Олимпиадада олтин медаль соҳиби бўлиш хаёлимга ҳам келмаганди. Чунки олимпиаданинг назарий ва амалий машғулотлари кескин руҳда кечди. Тошкентдан эса энг гўзал хотиралар билан она юртимга қайтаяпман.

Юрий Тимченко, Россия Федерацияси, Великий Новгород шаҳридаги 26-сонли мактабнинг ўқувчиси:

— Халқаро олимпиадада билимимизни намоён этиш учун кенг имкониятлар яратилганлиги боис орзуимиз амалга ошди. Ғолиблар қаторида мен ҳам олтин медаль соҳиби бўлганлигимдан бошим кўкка етди. Олимпидага М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг дунёга таниқли профессорлари, академиклари бош-қош бўлганлиги иштирокчиларни руҳлантирди. Мен шу ўринда жамоамиз қаторида энг юқори натижаларга эришган Поддубный Владимир, Чернышов Иванни ҳамда ўзбек дўстларимни улкан муваффақиятлар билан табриклайман. Келажакда Ўзбекистонга яна ташриф буюриш ниятим бор.

Анвархўжа Мақсудхўжаев, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси:

— Юртимизда шу йилнинг 28 апрелдан 4 майга қадар бўлиб ўтган 42-халқаро олимпиада унутилмас таассуротларга бой бўлди. Олимпиада назарий, амалий тарзда кечди. 2 та назарий ва 1 та амалий босқичда мураккаб топшириқларни ечган қатнашчилар ўз салоҳиятига яраша ҳаққоний баҳосини олди, деб ўйлайман. Шундай нуфузли халқаро олимпиадага қатнашиб, олтин медаль соҳиби бўлганлигим мени беҳад қувонтирди. Келажакда олийгоҳга ўқишга кириб, кимё фанининг ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

42-халқаро олимпиаданинг умумий ҳисобига кўра, мукофотланган жамоалар орасида 13 та медални қўлга киритган Ўзбекистон жамоаси биринчи ўринни эгаллаганлиги, мамлакатимиздаги таълим соҳасида амалга оширилаётган самарали ислоҳотларнинг ижобий натижаси дейиш мумкин бўлди. Бу халқаро олимпиада нафақат ёшлар ўртасида билимлар синови, балки халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик, барқарорлик кўприги бўлиб қолади.

Зебо АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.

ЖАРАЁН

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

“Болажонлар кўзим гавҳари”

Келажак авлодлар камоли йўлида фидойилик кўрсатмоқ шарафига нима етсин, — дейди Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ҳабибахон Салоҳиддинова

Шу оддий ҳақиқат инъикосини Фарғона вилоятининг Бувайда туманида, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Ҳабибахон Салоҳиддинова бошқараётган 2-сонли мактабгача тарбия муассасасида ҳам гувоҳи бўлдик.

Эрталаб ота-оналари ёхуд бувимибуваси ҳамроҳлигида кириб келишаётган жажжи болажонларни боғча мудираси билан биргаликда қарши оламиз. Бир-биридан чиройли кийинишган қизалоқлару ширинтой ўғилчалар қадрдон боғчаларига талпинадилар.

— Қизим Севара саҳарлаб тура солиб, мани боғчамга элтиб қўйинг, дея оёқ тирайди. Болаки шу ёққа боғланиптими, демак, бу ерда ҳамма нарса қизиқарли.

— Ўғлим Нодиржон даставвал шу боғчада таълим-тарбия олган. Ҳалиҳануз эсимда, турли мева данакларини қўшиш ва айришни кўпроқ ёқтирарди. Мана ҳозир у Америкада, нуфузли бир банкда ишлаб, малака оширяпти. Бугун боғчага олиб келаётганим манави тойчоқ Нодиржоннинг ўғилчаси...

— Бу қизалоқ эварам бўлади, Дурдонахон. Аяси ҳам бир вақтлар шу боғчада тарбияланган. Бугун у тиббиёт олимаси, бутун мамлакатга таниқли кардиолог...

Мудира Ҳабиба ая ҳам, болаларнинг

жону дилига айланган Шоҳида Раҳмонова, Васила Алиева, Ҳалима Йўлдошева, Маҳбуба Ҳусанова, Ҳамида Сиддиқова сингари тарбиячи опалар ҳам ота-оналарнинг миннатдорчилигидан хурсанд бўлишади. Ўз меҳнатлари зое кетмаётганидан, элу юрт иқболининг гулчечак шодалари бўлмиш ана шу ёш авлодни ўстираётганларидан қувончлари кўкка сиғмайди.

Бу муассаса ўттиз йилдирки, болажонларнинг шодон қийқиригидан файзли, уларнинг чароғон ва хушнуд чеҳраларидан мудом мунаввардир.

Боғча ҳовлисидаги ўйингоҳларнинг диққатга моликлиги, гуруҳ хоналарида олиб борилаётган “Учинчи минг-йиллик боласи” мактабгача таълим дастури асосидаги амалий-услубий машғулотлар, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнлари оби-тобида олиб борилаётганига амин бўлдик.

Шунингдек муассасада болаларга хорижий тиллардан ҳам сабоқ берилиши, уларнинг соғлом ва жисмонан пишиқ ўсишлари, идрок ва тафаккур дунёсини кенгайтиришга, дастлабки иқтидор белгиларини аниқлаш ва бойитишга қаратилган таълим-тарбия тадбирларидан қаноат ҳосил қилдик. Дарвоқе, яна бир нарса, муассасада шунингдек, вақти-вақти билан ота-оналар, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида “Очиқ эшиклар куни”, болажонлар учун қизиқарли бўлган, ўз дастурига спорт ва заковат, қўшиқ ва рақс, ақлни пешловчи савол-жавоб каби жиҳатларни жамлаган тадбирлар ҳам ўтказиб борилади. Бувайданинг 2-сонли болалар боғчасини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишлари бежиз эмаслигини сездик.

— Болалар менинг кўз қорачиқларим, — дейди мудира Ҳабибахон Салоҳиддинова. — Улар бизда бир юз қирқ нафардан зиёдроқ. Лекин ҳар бирининг ўзига хос табиати, идрок ва шуури бор. Ҳаммасига бир қолипда муносабат қилиб бўлмайди. Ҳар бир қалбга йўл топиб, худди соат мисол мурватини топиб юргизсангиз ўшандагина бола очилади, ўсади, ривожланади. Умримнинг бир бутун қадру қимматини, мазмун- моҳиятини фақат ана шу изланишлар, заҳмат-машаққатлар замирида ва самарасида, деб биламан...

Саноатхон ТОЖИБОЕВА,
“Ҳуррият” мухбири.

ЁДНОМА

Ўлмас Умарбеков деганда, кўз олдимдан хушфеъл, ўта маданиятли, ҳалол, ажойиб инсон, истеъдодли адиб ўтади. Ижодини эсласам, ўзимни гўзал, нафис маконда тургандай ҳис қиламан, қалбим ғурур ва фахр туйғуларидан тўлқинланиб кетади.

Шошган қуёш

...Мен 60-йилларнинг бошидан бошлаб, Ўлмас Умарбековнинг адабиёт соҳасидаги ҳар бир қадамини кузатиб бордим. Унинг илк ҳикоялари —“Хатингни кутаман, қиз”, “Бобоёнғоқ” дастлабки драмалари — “Бўронли йиллар”, “Суд”ларни ўқиб кўриб, ёш қаламкашга меҳрим тушиб қолган эди. Кейин Ўлмас Умарбековнинг янги асарларини орзиқиб кутадиган бўлдим. Айниқса, ижодкорнинг пьесаларига қизиқишим чексиз эди. Саҳнада янги драмаси пайдо бўлиши билан уни кўришга ошиқардим. Пьесалар қўлимга қалам ушлатиб қўйганини сезмай қолардим. Ўлмас Умарбековнинг саҳнада қўйилган “Комиссия”, “Қиёмат қарз”, “Шошма қуёш!”, “Аризасига кўра” каби пьесаларига биринчи бўлиб матбуотда тақризлар эълон қилганимдан ҳалигача фахрланиб юраман. Лекин Ўлмас Умарбековнинг ижодини, айниқса, драматургиясини кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ қилиш масаласи менга тинчлик бермасди. Оқибатда, “Шошма қуёш!” монографияси яратилди. Минг афсуски, Ўлмас Умарбековнинг ўзи ўша вақтда орамизда йўқ эди.

Ўлмас Умарбеков адолатли, инсофли, яхшиликни биладиган, тариқча ижобий иш қилиб қўйсангиз, уни туядай қилиб таърифлайдиган муаллиф эди. Каминанинг матбуотда чиққан ҳар бир тақризига қувонч билан миннатдорчилигини изҳор этарди.

Ўлмас Умарбеков билан у “Ўзбекфильм” киностудиясининг директори ва бошқа масъул вазифаларда ишлаган кезларида кўп учрашиб, санъатни тараққий эттириш, кадрлар тарбиялаш жабҳаларида суҳбатлашардик, маслаҳатлашардик. У маданиятни ривожлантириш учун жонини фидо қилиб ишларди. Лекин, шубҳасиз, ижодкорнинг хизматлари асосан яратган асарлари билан белгиланади. Адиб пьесалари инсоннинг ўзлигини англашга, ўз қадрига етишга ундаши, миллий урф-одатларимизнинг ҳурматини сақлашга чақириши билан ҳам ибратлидир. Санъаткор драматургиясининг руҳи инсон шахсини улуғлашга, уни турли иллатлардан — очкўзликдан, ҳасадгўйликдан, ёвузликдан, порахўрликдан халос этишга қаратилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Ўлмас Умарбеков қизига мактубларида шундай ёзади: “Давр ўзгариб кетди, қадриятлар ўзгарди. Лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган”. Унинг бутун ижоди ҳалол меҳнатнинг юксак самарасидир.

Ўлмас Умарбековнинг қирқ йиллик ижоди неча-неча авлодларнинг руҳиятида ўзгаришлар ясашга, уларнинг қалбларини олижаноб фазилатлар билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу билан бирга, санъатдаги мероси ёш драматурглар учун маҳорат мактаби бўлиб қолади.

Ўлмас Умарбеков ўз қаҳрамони тилидан: “Ҳар куни кечқурун ботаётган қуёшга қараб, уни тўхтатгим келади. “Шошма, қуёш, яна бироз нурингни сочиб тур, ишларимни тугатиб олай!” дегим келади”, деб илтижо қилган эди. Йўқ, “қуёш” шошди...

Севимли ижодкоримиз 60 ёшида бизларни ташлаб кетди. Қиладиган ишлари, ажойиб режалари чала қолди. Аммо халқ севган адиб Ватан, халқ олдидаги қарзларини уза олди, назаримда. Инсонийлик, ижодкорлик бурчини садоқат билан адо этди. У қолдирган адабий мерос адабиёт, маданият оламида офтобдек чарақлаб туришига, бу қуёш ботиш учун шошмаслигига ишонгим келади.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Фарҳод Ваисов 1983-2000 йилларда Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлимида фаолият кўрсатди. У хизматга бевосита Олмаота шаҳридаги ёнғинга қарши кураш махсус билим юртини тугатиб йўлланма билан келганди. Маълумки, бундай махсус билим юртларида таҳсил олиш даври ҳам фуқаронинг меҳнат стажига киради. Буни эслатаётганимизнинг боиси бор...

ТААССУФ

Нафақасиз... хаста капитан

1987 йил Қўшкўпир туман раҳбари бўлиб ишлаётган Матчон Ваисов “пахта иши” бўйича Гдлян ва Иванов дегичларнинг гуруҳи томонидан ҳибсга олинади.

Кейинчалик М.Ваисовнинг хотини (тўққиз нафар фарзанднинг онаси!) ҳамда катта ўғли ҳам қамаладилар. Токи 1990 йилда оқланганига қадар Матчон Ваисов ва унинг оила аъзолари бошига нене азоб-уқубат ва кулфатлар тушмайди. (Бу хусусда Ильюхиннинг “Қабоҳат ёхуд...” китобида батафсил сўз юритилади).

— Тўрт йиллик меҳнат фаолиятимда Питнак шаҳрида, Тупроққалъа мавзесида ва Хива шаҳрида тармоқ тизимида хизмат қилдим, — дея афсус ва надоматлар билан эслайди собиқ капитан Фарҳод Ваисов. — Отам қамалгач, оиламиз аъзолари бошига кўп кулфатлар тушди. Бу менинг тақдиримга ва хизмат фаолиятимга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бир куни мени хизмат жойимдан вилоят прокуратурасига олиб келишди. Хонада Карташьян деган шахс ўтирган экан. Киришим билан мени ҳақорат қила бошлади. Бошимдаги хизмат шапкамни улоқтириб юборди ва “Сен халқ душмани, жиноятчининг ўғлисан”, деб урмоқчи бўлди... Икки нафар гумаштасини чақириб, елкамдаги хизмат погонимни юлиб олди ва ўша пайтдаги вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Леснихга қўнғироқ қилиб, “Халқ душманининг ўғлини зудлик билан ишдан бўшат!” деб буйруқ берди...

Лесних отам билан яхши таниш эди. Менга вазиятни тушунтирди: “Ҳали вақт келиб, ҳаммаси жойига тушар, ҳозирча сен ариза ёзиб, четроқда тур. Бўлмаса, сени қамашади, мени ҳам бўшатадилар”, деб маслаҳат берди.

Отаси, онаси ва катта акаси қатағон туфайли ҳибсда ётган бир пайтда Фарҳод Ваисов ўз “ихтиёри” билан ариза ёзишдан бошқа чора тополмайди. Қолаверса, катта оилани боқиш унинг зиммасига тушган эди. Шу боис тақдирга тан бериб, ўз севимли касбидан ажралади ва ўрта мактабда ҳарбий таълимдан сабоқ беради, айни пайтда олий билим даргоҳини сиртдан ўқиб тугатади.

1990 йил 21 июнидан Матчон Ваисов бутунлай оқланади. Ўша вақтда вилоят прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб ишлаётган Х. Жуманиёзов Фарҳод Ваисовни ҳузурига чақиртириб: “Сиз отангиз туфайли ички ишлар тизимидан ноҳақ бўшатилгансиз, энди ўз ишингизга тикланасиз”, дейди. Ҳамон вилоят ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаётган Лесних Фарҳодни кучоқ очиб кутиб олади ва ўзича узр сўраган бўлади: “Мана ҳаммаси ортда қолди. Ҳали яхши бўлиб кетади демаганмидим сенга. Отангга менинг узримни айтиб қўй...”

Ўз севимли ишига қайтаётган Ф.Ваисов масаланинг меъёрий ҳуқуқий томонлари ҳақида ўша пайтда ўйлаб ҳам ўтирмайди ва ИИБ ходимларидан бирининг маслаҳати билан ишга кириш ҳақида ариза ёзади. “Ишдан ноҳақ бўшатилиб юрган вақтларинг учун моддий ва маънавий зарар ундираман десанг, бировларга ёқмаслиги мумкин. Яхшиси, ҳаммасини Худога солиб, тинчгина ишлайвер”, дейишади унга. Ана шу “маслаҳат”га амал қилгани унинг хатоси эди эҳтимол. Чунки...

Аммо, энг қизиғи, энди уни ўзиникидан бир унвон юқори, яъни катта лейтенант унвонида ишга қабул қилишади. Орадан бир йил ўтмасдан эса юқори лавозимга — вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинлашади. Сўнгра Боғот тумани ЁХБ бошлиғи бўлади. Хизмати давомида унвони ва обрўси ошиб боради...

Аммо... Ҳамма гап шундаки, 2000 йилда Ф.Ваисов навбатдан ташқари шаҳодатлашга чақирилади. Унга навбатдаги унвон бериш учун шаҳодатлаш ўтказилаяпти, дейишади. Аслида... уни ўша шаҳодатлашда хизмат вазифасига нолойиқ деб, ишдан умуман ҳайдашади. Асос — 1999 йил июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ҳамда 2000 йил январь ойларида узрли сабабларсиз ишга чиқмаганлиги! Ваҳоланки, шу даврда Фарҳод Ваисов Боғот туман марказий шифохонасида даволанган эди. Юрак хасталиги билан мазкур шифохонада даволангани ҳақидаги ҳужжатлар инобатга ўтмаган, унга “Вилоят ИИБ махсус шифохонасида даволанишинг керак эди”, дейишган.

— Юрак хуружи ҳеч кутилмаганда тутиб қоларди, ишхонага “Тез ёрдам” чақиртиришимга тўғри келарди. Шу ердан Боғот туман марказий шифохонасига олиб кетишарди. Ишхонам билан туман марказий шифохонаси оралиғи бир чақиримча келади. Неча кунлаб ўрнимдан қўзғалмай ётардим. Бундай пайтда дўхтирлар вилоят марказидаги ИИБ махсус шифохонасига боришим у ёқда турсин, ўрнимдан қўзғалишимга ҳам рухсат беришмасди.

Бу сўзлар Фарҳод Ваисовнинг аламли нидоси!

У соғлиғи ёмонлашгани боис, касаллиги учун нафақа тайинлашни сўраб ёзган аризаларига жавоб ололмайди. Ички ишлар тизимида узоқ йиллар хизмат қилган ва йигит ёшида соғлиғини шу соҳада йўқотган капитанни нафақасиз кўчага ҳайдашади...

Мазкур жумбоқли ва таажжубли ҳолат бўйича Хоразм вилоят ИИБ раҳбариятининг фикри янада қизиқ. Эмишки, “...ички ишлар идоралари собиқ ходими Ф.Ваисов 1987 йил 10 апрелдаги вилоят ИИБ шаҳодат комиссияси қарорига асосан доимий равишда хизмат интизомини бузиб келганлиги, хизматни ташкиллаштириш бўйича қатор камчиликларга йўл қўйганлиги ва ички ишлар идоралари хизматига нолойиқлиги учун... хизматдан бўшатилган...”

Қизиқ-а?! Мантиқсизликка қаранг. Уч-тўрт йил муқаддам шунча айби бор, умуман ички ишлар хизматига нолойиқ ходимни орадан шунча йил ўтгач яна хизматга олишармиди? Оддий ходим эмас, энди бўлимнинг юқори лавозимига.

Бу даврда ҳали истиқлол юзага чиқмаган (“Пахта иши” қурбонлари, Гдлян ва Иванов ҳамда унинг гумаштлари ҳақида аччиқ ҳақиқат айтилмаганди). Энг асосийси, хизмат тизимида собиқ шўролар таъсири ҳукмрон эди. Ф.Ваисовнинг севимли иши — ҳаёти мазмунини бир кунда йўққа чиқарган кимсалар... ўз хатоликларини тан олмасдан уни қайта ариза билан тиклаб қўя қолишган. Ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолиб кетган.

Эндиликда хаста ҳолида касалхонама-касалхона юрган собиқ капитан ўзига нега қонуний нафақа тайин қилинмаганидан таажжубда. Ахир шунча йиллик хизмати ҳавога соврилмайди-ку?! Белгиланган тартибга кўра нафақа тайинлаш учун ўн беш йиллик иш стажи керак. Ф.Ваисов “икки бора фаолияти” давомида ўн беш йилдан ортиқ хизмат қилиб қўйган. Қолаверса, тўрт йил севимли ишидан ажралгани — отаси ноҳақ қатағонга учрагани боис уни ҳам хизматдан бўшатишгани учун у айбдор эмасди. Мустақилликка шукр, Юртбошимизнинг катта саъй-ҳаракатлари эвазига “пахта иши” қурбонлари оқланди. Улар нафақат оқландилар, балки қатағон етказган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди. Ҳақиқат юзага чиқди. Лекин ... минг таажжубки, Хоразмнинг Деҳқонбозор қишлоғида юрак хасталиги боис хонанишин бўлиб қолган, умрини айни пайтда кўпроқ ўз уйида эмас, касалхоналарда ўтказаётган собиқ ички ишлар капитани адолатсизлик азобини ҳамон тортмоқда...

Қолаверса, бугун Фарҳод Воисов бирор иш-амал ҳам сўраётгани йўқ, аксинча шунча йиллик қилган меҳнатларидан сўнг ўзи тенги ҳамкасбларига ўхшаб нафақага чиқмоқчи холос.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
Рўзимбой ҲАСАН,
журналистлар.

КИНОЯ

Одамлар адолатсизликдан жирканганлари учун уни қораламайдилар, балки унинг манфаатларига зарар етказгани учун адолатсизликни таъна-дашномларга кўмадилар.

Франсуа де ЛАРОШФУКО

Дўст марсияси ва унга берилган жавоб

Нафасингда атр эмас, олов бўлсин,
Муз қалбларни ёндирмоққа қалов бўлсин.
Розимасман ташналарни қондирмасанг,
Ҳўл ўтиндек тутаганни ёндирмасанг.
Шеър демасман оташ нафас уфурмасанг,
Уфқларда манзилим деб югурмасанг.

СУРАТДА: *шоир Қодир Деҳқон ва муаллиф. (1966 йил, 6 март.)*

Юқоридаги мисралари бўлган “Шеърим” деган шеърни фарғоналик (аниқроғи, Бувайданинг Бачқир қишлоғидан чиққан) шоир Қодир Деҳқон ёзган ва “Бир гўзал япроқ” деган китобига дебоча қилган эди. Ушбу китобдан кўп бўлмаса ҳам бир-биридан гўзал шеърлар, Навоий, Ҳазиний, Ниёзий, Эркин Воҳидов шеърларига сарбаста назиралар жой олган эди. У ниҳоятда дилбар шоир, яхши дўст, қувноқ улфат, самимий инсон эди. Биз тенгдош эдик, дўст эдик. Қодиржон асли Қишлоқ хўжалиги техникумини битириб, кейин Маннон Уйғур номидаги театр институтида ўқиди, уни битириб юртига бориб газетада муҳаррир, масъул ходим, туман ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. Қачон кўришсак шеър, ижод ҳақида сўзлашиб тунни тонгга улардик, янгиқўрғонча аскиялар қилишиб обдан кулишардик. У давраларнинг булбули, Бувайданинг етти яшаридан етмиш яшаригача танийдиган шоири, ўртакаш-сухандони эди. Янгиқўрғонлик машҳур ашулачи ҳофиз Расул қори вафот этганда:

Бир гўзал япроқ узилди, барги сўзон йиғлади,
Ҳофизидан айрилиб Янгиқўрғон йиғлади,

деб дил-дилдан нола чеккан эди. Аммо ўзининг ҳам умри қисқа экан, “Қодиржон оламдан ўтди”, деган шум хабарни эшитиб ҳайратдан лол бўлиб қолдик. Мен ўшанда дўстим хотирасига ушбу марсияни битган эдим:

Янгиқўрғон келдим излаб соҳиби кўрғон қани?
Яхшилик тухмини экқан ул ажиб боғбон қани?
Алпқомат, қадди рост, тенги йўқ полвон қани?
Дилкашу дилдор йигит, покиза чин инсон қани?
Давраларнинг булбули ул шоири хушхон қани?
Дўстлар, айтинг менга, Қодири Деҳқон қани?

Дўст учун жонин беларга доимо тайёр эди,
Сеҳри санъат соҳиби ҳам севгани ашъор эди,
Камтарин, меҳмоннавоз, фазли кўп бисёр эди,
Қайда кўрса яхшиларни ҳамдаму ҳамкор эди,
Аскиё бобида саркор ул лаби хандон қани?
Дўстлар, айтинг менга, Қодири Деҳқон қани?

Алвидо, қори Расул деб диллари қон йиғлади,
Бир ажиб япроқ узилди, барги сўзон йиғлади,
Энди навбат ўзга келди – Янгиқўрғон йиғлади,
Ёш кетди шоирим, деб Ўзбекистон йиғлади,
Тўйда шодон, азада ул диллари нолон қани?
Дўстлар, айтинг менга, Қодири Деҳқон қани?

Хотиринг ўчмас дилимдан, эй азиз ўртоқ сенинг,
Тоабад эъзозлагай ётган ул тупроқ сенинг.
Ёдгорингдир ўғил-қиз, ул сўлим қишлоқ сенинг,
Аҳли фозил қумсагай, ҳар сатрингга муштоқ сенинг,
Улфатинг Мухтор учун кўрмоққа бир имкон қани,
Дўстлар, айтинг менга, Қодири Деҳқон қани?

Марсия туман газетасида босилиб чиқди. Ўша саҳифада шу туманлик ёш шоир, Қодир Деҳқоннинг шогирди Набижон Мамадалиев ёзган қуйидаги жавоб шеър ҳам берилган эди:

Нетай, тақдир экан ул соябонимни йўқотганман,
Тафаккурим чироғи – нуктадонимни йўқотганман.
Мунаввар чеҳраси офтобсимонимни йўқотганман,
Сухан боғида шўх булбул забонимни йўқотганман.

Хаёлан сўзлашиб устоз билан гоҳ гуфтигў айлаб,
Овутгайман ўзимни ҳар кеча мен гиряни куйлаб,
Ёнар дилга сепарман сув ғалат тақдирга тан бойлаб,
Мураббий, раҳнамо, қалби жаҳонимни йўқотганман.

Чироқсиз уйга ўхшайдир бугун Бачқир деган қўрғон,
Кетиб узлатга шоир айлади тортиқ ғаму армон,
Сабрдан ўзга тадбирни тополмам шул экан фармон,
Навоийваш адиб – руҳи равонимни йўқотганман.

Ҳамиша дўст учун жонин фидолар айлагай эрди,
Садоқатга этиб даъват садолар айлагай эрди,
Ўзин эзгу шиорига вафолар айлагай эрди,
Ғуломи юрт деган банди имонимни йўқотганман.

Улуғ инсон экан номин элим ҳар лаҳза ёдлайдур,
Мажолис ҳам базмларда ҳамон руҳини шодлайдур,
Дуойи ҳамд-сано айлаб, у дунёсин ободлайдур,
Етилган чоғида умри хазонимни йўқотганман.

Абад ул барҳаётдир гар Набий, Мухторлари бўлса,
Неча шогирдлари – ширин-шакар гуфторлари бўлса,
Муҳаббат, эътиқод қалби аро бисёрлари бўлса,
Ажаб шойистайи даври замонимни йўқотганман.

Чин шоир, азиз дўстимизнинг руҳи-поки бизлардан рози бўлгай.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ОҒРИҚ

ЖУРНАЛИСТЛИК ОСОНМИ?!

Сўнгги ўн беш йил давомида дунёда касбий вазифасини бажариш чоғида 685 нафар ОАВ ходими ҳалок бўлди

1993 йилнинг 20 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси 3 майни Жаҳон матбуот эркинлиги куни деб эълон қилди. Ана шундан бошлаб бу сана сайёрамизда сўз ва матбуот эркинлиги байрами сифатида нишонланади.

Бу кунда матбуот эркинлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқлардан бири экани, у инсоният жамиятини тараққиётга бошловчи олий қадрият экани ёдга олинади. Демократиянинг энг асосий принципи саналган матбуот эркинлигисиз ривожланишни тасаввур этиб бўлмаслиги, бу қадриятни қадрсиз қилган мамлакатлар фуқаролик жамияти қура олмаслиги эсланади.

Жаҳон матбуот эркинлиги куни ҳақиқат ва адолат йўлида курашган, касбий мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган журналистлар хотирланади, фидойи инсонларга яна бир карра эҳтиром кўрсатилади.

Ғарб мамлакатларида журналистларни "демократия қўриқчилари" деб аташади. Лекин бугунги талотўп, уруш ва суронларга тўла замонамизда "демократияни қўриқлаш" ҳам тобора қийин вазифа бўлиб боряпти.

Халқаро журналистлар федерацияси (International Federation of Journalists) маълумотига кўра, 2007 йили жаҳонда 134 нафар оммавий ахборот воситаси ходими ҳалок бўлди. Федерация мутахассисларининг таъкидлашича, журналистлар кўп ҳолларда касбий фаолиятлари сабабли қурбон бўлмоқдалар. ОАВ ходимлари томонидан сиёсий гуруҳлар ёки иқтисодий доиралар манфаатларига тўғри келмайдиган ва улар яширишга уринаётган мавзуларнинг ёритилиши суиқасдларга олиб келмоқда.

"Тўртинчи ҳокимият" вакилларининг уруш ва жанговар ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда фаолият юритиши ҳам тобора хатарли бўлиб бормоқда. Журналистлар учун хавфли мамлакатлар сафида Ироқ бугунги кунда энг олдинги ўринда турибди. Беш йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатда ўтган йилнинг ўзида 65 нафар журналист жон таслим қилди. Халқаро журналистлар федерациясининг хавотир билан қайд этишича, Ироқ журналистлар учун ўлим маскани бўлиб қолмоқда. ОАВ ходимлари дахлсизлигини сақлаш борасидаги ва умуман барча халқаро меъёрлар бузилаётган, қонунсизлик муҳити юзага келган мамлакатда уруш бошлангандан буён (2003 йил март) 127 нафар журналист ҳалок бўлди.

2007 йилги таҳлилларга кўра, Сомали (8 нафар), Покистон (7), Мексика (6), Шри-Ланка (6) ва Филиппин (5) журналистлар ўлими борасида хавфли гуруҳга кирган. Мазкур мамлакатларда ҳам сиёсий инқироз, оммавий тартибсизлик ёки фуқаролар муҳорабаси ҳолатини кузатиш мумкин.

Журналист — тинчлик элчиси, унга ўлим йўқ. Мазкур тамойил халқаро миқёсда тан олинган. Лекин унга ҳар доим ҳам риоя этилмаяпти.

Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси (Committee to Protect Journalists) тадқиқотлари ОАВ ходимларининг ўлими йилдан-йилга кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда. Агар 2006 йили 56 нафар журналист жонига қасд қилинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич янада ошди.

Қўмита маълумотига кўра, 1992 йилдан 2008 йилнинг апрелига қадар дунё миқёсида 685 нафар журналист ўлими қайд этилган. Улар матбуот (57,%), телевидение (26,%), радио (19,3%), Интернет (1,5%) соҳасида фаолият юритган ҳамкасблар эди. "Тўртинчи ҳокимият" вакиллари учун хатарли давлатлар рўйхатида Ироқдан кейин Жазоир (60 нафар), Россия (47), Колумбия (40), Филиппин (32), Ҳиндистон (22), Сомали (22), Босния ва Герцеговина (19), Туркия (19), Покистон (19) ва Афғонистон (17) турибди.

Халқаро ташкилотнинг қайд этишича, журналистлар айрим ҳолларда эҳтиётсизлик туфайли, яна айрим ҳолларда эса қасддан қилинган ҳужум қурбони бўлмоқдалар.

Жорий йилда ҳам ушбу салбий ҳолат давом этмоқда. "Чегара билмас мухбирлар" (Reporters Without Borders) ташкилоти маълумотига кўра, йил бошидан бери Афғонистон, Боливия, Ироқ, Исроил, Покистон, Филиппин, Россия, Сомали, Мексика каби мамлакатларда 9 та журналист ҳалок бўлган.

Таҳлилларга қараганда, хорижий мамлакатларда журналистлар ўлими сирли тарзда кечяпти ва бу билан боғлиқ текширувлар ҳар доим ҳам чуқур ўтказилмаяпти. "Чегара билмас мухбирлар" "Коммерсант" ходими Иван Сафроновнинг ўлимини ана шундай изоҳлайди. Россиядаги етакчи нашрлардан бири ходими кўп қаватли уйдан йиқилиб ҳалок бўлгани, кейинроқ у ўз жонига қасд қилгани тўғрисидаги хабарлар тарқалганди. Кузатувчилар фикрича, бу ўз жонига қасд қилиш эмас, қотиллик ҳам бўлиши мумкин. И.Сафронов Эрон ва Суриядан қурол сотиш бўйича махфий маълумотларга асосланган материал тайёрлаётган эди.

Журналистларнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки улар эълон қилган "номақбул" материаллар учун жазолаш мақсадида қамоқ усулидан ҳам фойдаланилмоқда. Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитаси маълумотига кўра, 2007 йилда 127 журналист қамоққа олинди (бу ҳолат 2006 йилдагидан ет-титага кўпайган). ОАВ ходимларига қарши курашда олдинги ўринда кўп йиллардан бери Хитой турибди. Ўтган йили Чин мамлакатида йигирма тўққизта журналист ҳибсга олинган.

Қамоққа ҳукм этиш борасида кейинги ўринни Куба эгаллаган. Мамлакатни ярим асрдан ошиқ вақт давомида бошқарган, матбуот эркинлиги душмани деб баҳоланадиган Фидель Кастронинг саломатлиги ёмонлашиб, ҳокимиятни укаси Рауль Кастрога топшириши ҳам ҳеч қандай ўзгаришларга олиб келмади. Айни пайтда 24 нафар кубалик журналист қамоқда сақланмоқда. ОАВ ходимларини ҳибс қилиш борасида Эритрея (14), Эрон (12) ва Озарбойжон (9) ҳам анча "илғор".

Тадқиқотларга қараганда, касбий фаолияти туфайли ҳибсга олинган журналистларга кўп ҳолларда давлат сирини ошкор қилиш, туҳмат, ҳақорат ва бошқа сиёсий айблар қўйилмоқда. Баъзида эса уларни умуман айб эълон қилмасдан ушлаб туриш кузатилмоқда. Масалан, ўтган ойда Гуантанамо қамоқхонасидан озодликка чиқарилган "Ал-Жазира" тасвирчиси Сали Ал-Ҳаж олти йил давомида ҳеч қандай айбловсиз ушлаб турилди.

Бу "усул" Эфиопияда кенг тарқалган. Ҳабаш давлатида 15 нафар журналист ўз айбини билмаган ҳолда панжара ортида ўтирибди.

Ахборот деб жонини фидо қилаётган журналистнинг изсиз йўқолиши кўпчиликни ҳайрон қолдирмай қўйди. Ўтган йилнинг ўзида Мексика, Непал ва Қозоғистондаги олтита журналист ана шундай қисматга дучор бўлган.

Таҳлилларга кўра, охирги йилларда Интернет соҳасида фаолият юритаётган журналистларнинг қамалиш ҳолати ҳам кўпайиб боряпти. Халқаро қўмита ўтган йили қамоққа олинган 127 журналистнинг 39 фоизи халқаро компьютер тармоғида иш олиб борганини билдиради.

Айтиш керакки, журналистларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тўсиқлар, тазйиқ ва таъқиблар дунё мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ҳолатдан келиб чиқади. Шимолий Каролина университети журналистика ва оммавий коммуникация факультети ўқитувчиси Кэти Пакер «Нью-Йорк таймс» газетаси мухбири Жудит Миллер билан боғлиқ ҳодисани мисол сифатида келтиради. Машҳур газета мухбири ахборот манбасини ошкор этмагани учун 85 кунга қамалган. К. Пакер АҚШдаги матбуот эркинлиги билан боғлиқ ҳолатни дунёнинг бошқа минтақалари билан қиёсларкан, хорижий давлатларда коррупция ва бошқа нозик мавзуларда ёзгани учун таъқибга учраётган, урушда ҳалок бўлаётган журналистларнинг қийноқлари олдида «Нью-Йорк таймс» мухбири олган жазо "енгил сайр" эканини таъкидлайди.

АГАР ПОЛЬША РОЗИЛИК БЕРМАСА...



АҚШ Польша билан ракетага қарши мудофаа тизими яратиш бўйича музокаралар муваффақиятсизликка учрагудек бўлса, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун бошқа вариантларни излайди. Бу ҳақда Рейтер агентлиги АҚШ маъмуриятининг юқори лавозимли вакилидан иқтибос келтириб хабар беради.

АҚШ Польша ҳудудида ўнта ракетага қарши қурилма, Чехияда эса радиолокацион станция бунёд этишни кўпдан бери мўлжаллаб юрибди. Режага кўра, ракета ҳужумидан мудофаа қурилмаси 2013 йилга бориб ишга туширилиши керак.

Вашингтон томони бу борадаги музокараларни Жорж Буш президентлик вазифасидан кетгунга қадар, яъни 2009 йилнинг январигача тугатишни мўлжалламоқда.

— Агар Польша билан музокараларда муваффақиятга эришмасак, унинг суверенитетига ҳурмат билан қарайміз ва ракета ҳужумига қарши қурилмаларни жойлаштириш учун бошқа муқобил вариантларни кўрамиз. Биз барибир ракета таҳдидига қарши туришимиз керак, — деган Оқ уй маъмурияти вакили агентликка берган интервьюсида.

Дарвоқе, АҚШнинг Чехия ҳудудида радиолокацион станция қуриш режаси ҳам ҳозирча мавҳум бўлиб қоляпти. Чехия раҳбарияти билан бу борадаги битим жорий йилнинг 5 майида тасдиқланиши керак эди. Чехия ташқи ишлар вазирлиги хабарига кўра, битимни имзолаш номаълум муддатга қолдирилган.

ТБИЛИСИ ОВОЗАЛАРНИ ИНКОР ҚИЛДИ

Грузия ташқи ишлар вазирлиги Тбилиси томонидан Абхазия ҳудудига яқин муддатда қуролли ҳужум уюштирилиши бўйича ҳеч қандай режа йўқлигини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Григол Вашадзе бу каби сохта маълумотларни тарқатганларга асабларни тинчлантириш учун валерянка дорисини ичишни тавсия қилган.

Грузия можароли ҳудудга ҳужум қилмоқчи бўлаётгани ҳақидаги хабар Россия ҳавфсизлик кучлари тизимидаги ахборот манбаси томонидан тарқатилган эди. Мазкур хабарда Абхазиянинг соҳил бўйи ҳудудларидаги муҳим объектларни қўлга киритиш кўзда тутилгани қайд этилганди. Исмини ошкор этмаган манбага таяниб берилган ахборотда Тбилисидаги бир қатор хориж элчихоналари эвакуация қилиниши ҳақида ҳам айтилганди.

Грузия ташқи ишлар вазирлиги хорижий элчихоналарни кўчириш тўғрисидаги овозани ҳам кескин инкор этиб, айни пайтда чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳар доимгидек осойишта ишлаётганини билдирган.

Ўтган ҳафта Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳам журналистларга Грузия раҳбарияти Абхазия ва Жанубий Осетия масаласини куч билан ҳал этишга уринаётганини тасдиқловчи далиллар борлигини маълум қилганди.

АВТОМОБИЛЬ РАҚАМИДАН 14,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтган кимошди чоғида автомобиль давлат рақамлари савдосидан 10 миллион доллар тушди, деб хабар беради AFP.

Савдоларда икки, уч, тўрт ва беш рақамли машина белгилари сотилди. Кимошдида 300 га яқин араб саромоядорлари иштирок этди. 50 G рақами энг қиммат баҳода пулланди, кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлган рақам учун 926 минг доллар тўланди. Давлат белгилари орасида 23 G (795 минг доллар), 32 G (681 минг доллар) рақамлари ҳам юқори нархда сотилди.

БААда энг қиммат автомобиль белгиси "1" рақами бўлган эди. Жорий йилнинг февралида араб ишбилармони Саид Абдул Ғаффор Хури машу рақам учун 14,5 миллион доллар тўлаганди. Ўшанда "5" рақамли машина белгиси 6,8 миллионга баҳоланганди.

КУБАЛИКЛАР ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРГА ҲАМ ЕТИШИШДИ



Куба ҳукумати мамлакат аҳолисига шахсий компьютер сотиб олишга рухсат берди. Эндиликда "Озодлик ороли"нинг барча фуқаролари махсус рухсатномасиз ҳам компьютер харид қилишлари мумкин.

Дастлабки компьютерлар ўтган ҳафта дўконларга келтирилди. Тўғри, 780 долларлик техникани ҳамма фуқаро ҳам сотиб ололмайди. Лекин компьютер келтирилган биринчи куни дўконлар томошага келган одамлар билан тирбанд бўлди.

Куба аҳолисига Microsoft's Windows XP тизимида ишловчи QTECH компьютери таклиф этилди. Мазкур компьютерлар Хитойдан келтирилган эҳтиёт қисмлар асосида Кубада йиғилган.

Компьютер ва бошқа маиший техника воситаларини эркин харид қилиш Куба раҳбари Фидель Кастронинг укаси Рауль Кастро томонидан эълон қилинди. Бундан аввалроқ кубаликлар уяли алоқа хизматидан фойдаланиш имконига ҳам эга бўлишганди.

Ҳозирга қадар Кубада фақат хорижликлар ва фирмаларга компьютер ишлатишга ижозат берилганди.

КОЛУМБ ДАВРИДАН ҚОЛГАН КЕМА



Океан тубидан олмос тошини қидирувчилар Намибия соҳилида XV асрнинг охири, XVI аср бошларида қурилган кемани топишди. Қадимги кема бортида олтита бронза пушка, бир неча тонна мис, португал ва испан олтин тангалари ҳамда инсон суяклари борлиги аниқланди.

Кема ичида машҳур сайёҳ Христофор Колумб даврига оид узоқни кўриш мосламалари ҳам топилган. Археолог олимлар ноёб топилма португал денгиз сайёҳи Бартоломеу Диаш экспедициясига тегишли бўлиши мумкинлигини маълум қилишган. Мазкур денгизчи 1487 йили европаликлар орасида биринчи бўлиб Африка қитъасини айланиб ўтган ва Яхши умид бурнини кашф этган эди. Экспертлар бортдан топилган кўп миқдордаги бойликларга таяниб кема савдогарларга тегишли бўлган деган хулосага келишди. Шунингдек, у Африка қитъаси соҳилларидан топилган энг қадимий кема деб баҳоланган.

Намибия ҳукумат топилма давлатга қарашли эканини маълум қилди. Португалия мутахассислари эса кема номи ва тарихини аниқлашда ўз ёрдамларини таклиф этишди.

ВАКОЛАТХОНА ЭЛЧИХОНАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ



Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат бўйича идораси – European External Action Service (EEAS) дипломатик ваколатхоналар фаолиятини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Брюсселда муҳокама этилаётган ҳужжатга мувофиқ, ЕИ дунёнинг турли давлатларидаги 160 дан ортиқ ваколатхоналарини элчихоналарга айлантиради.

Лиссабон битимига кўра, элчихоналар ЕИнинг дипломатик хизмат бошқармаси томонидан назорат қилинади. Элчилар Европарламент томонидан сайланади ва унга бўйсунади.

Ҳозирга қадар Буюк Британия дипломатик ваколатхоналар миқдори бўйича энг олдинги ўринларда туради. Қироллик сайёрамизнинг 139 давлатида элчихона ва консуллигини очган. Агар ЕИ режаси амалга ошса, йирик бирлашма бу борада Британияни ҳам ортда қолдиради.

Айтиш керакки, Иттифоқнинг ташқи сиёсат бўйича янгидан тузилаётган ташкилоти ҳали иш бошлаганича йўқ. Мўлжалга кўра, EEAS 2009 йилнинг январида тўла тартибда ишлайди. Идорада дастлаб 3 минг ходим меҳнат қилиши, кейинроқ эса улар миқдорини 20000 га қадар етказиш режалаштирилган.

ШАРҲ

Сурия президенти **фикрини ўзгартирди...**

Сурия президенти Башар Асад ташқи сиёсат масалаларида кўп ҳолларда ошкора муносабат билдирмайди. Катта давраларда муҳокама этилаётган мавзуда сукут сақлаш, бу билан кўпчилик эътиборига тушмасликка уринади. Мамлакат раҳбари дунёнинг йирик давлатлари, дейлик, АҚШ, Россия билан алоқалар борасида ҳам "баралла" гапиришни ёқтирмайди. Бироқ ўтган ҳафта Сурия раҳбари илк бор ташқи сиёсатда мамлакат учун ким яқинроқ ҳамкор эканини маълум қилди. Бу баёнот дунёнинг етакчи арбобларини ҳам ҳайрон қолдирди. Негаки, ҳозирга қадар расмий Дамашқнинг сиёсий позицияси Вашингтонга нисбатан муросасиз деб баҳолаб келинарди...

Башар Асад Қатарнинг "Ал-Ватан" газетасига берган интервьюсида Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда асосий роль Россияга эмас, АҚШга тегишли эканини таъкидлади. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам тинчликни сақлашда АҚШ муҳим ўрин тутганини эслатиб ўтган президент "Россия ўтмишда бўлганидек ҳозир ҳам Исроилга таъсир кўрсата олмайди", деди. Қатар матбуотида чиққан суҳбат Сурия ҳукуматининг «Тишрин» газетасида қайта босилди. Бу эса, мамлакат раҳбари ўз расмий позициясини халққа ҳам маълум қилмоқчи эканини англатади.

Сурия раҳбарининг баёноти кўпчиликда таажжуб уйғотгани бежиз эмас. АҚШ ва айрим Европа давлатлари мамлакатни Ироқдаги жангариларини қўллаб-қувватлашда айблайди. Ана шунга асосан Вашингтон томонидан Суриядан қарши санкциялар ҳам жорий этилган.

Ўз навбатида Сурия раҳбарияти унга қарши айтилаётган барча айбларни рад этади. Расмий Дамашқ АҚШни мамлакатнинг амалдаги раҳбарини ағдаришга уринишда ҳам айблаган.

Ғарб сиёсатдонлари Ливандаги нотинч вазият ва сиёсий инқирозда ҳам Сурия раҳбариятининг "ҳисса"си борлигини таъкидлашади. Хусусан, 2005 йили Ливан бош вазири Рафиқ Харининг ўлимидан кейин расмий Дамашққа босимлар кучайди. БМТнинг ушбу қотилликни ўрганишга масъул бўлган вакили бош вазирга қарши суиқасдда Сурия расмийлари қўли бор деган хулосага келди. Мазкур қотиликдан кейин Сурия ташқи босим остида Ливандаги ҳарбий кучларини ҳам олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Суриянинг Яқин Шарқ можароси марказий "фигура"ларидан бири Исроил билан ҳам муносабати яхши эмас. Сурия ўзига тегишли деб ҳисоблайдиган Голан тепалигининг 1967 йили Исроил қўшинлари томонидан олиб қўйилишини ҳалигача кечиролмайди.

Амалдаги президентнинг отаси Ҳафиз Асад даврида Суриянинг Москва билан муносабатлари жуда қалин бўлган. Қўш қутбли дунёнинг иккинчи томонида ҳукмронлик қилган собиқ Иттифоқ давлати Франция мустамлакачилигидан эндигина халос бўлган араб мамлакатига ёрдам берган. Суриянинг ҳарбий аслаҳалари ҳам тўла Москва томонидан таъминланган.

Бироқ шўро империяси парчаланганидан кейин Сурия ўзининг энг яқин иттифоқчисидан маҳрум бўлди. Боз устига, Иттифоқнинг вориси сифатида сиёсат майдонида қолган Россия 1991 йили Тель-Авив билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйди. Ўз даврида бу ҳаракат Суриядаги ҳукмрон БААС партияси томонидан "араб манфаатларига хиёнат" деб баҳоланган.

Башар Асаднинг кутилмаганда Россиянинг Яқин Шарқдаги фаолиятини танқид остига олганини ҳам ана шу жиҳат билан изоҳлаш мумкин. Сурия сиёсий доиралари сўнгги вақтгача эски иттифоқчидан минтақадаги тинчликни сақлашда ёрдам кутди.

> *Ташқи босим кучайиб, танқидлар жонга теккан пайтда Кремлдан мадад истади. Лекин охирги пайтларда Сурияга у қадар устувор аҳамият бермай қўйган Россия Дамашқ расмийлари умидларини оқламади. Ливан урушидан кейинги кампанияга ҳам аралашмасликни, араб раҳбарияти тарафини олмасликни афзал билди.*

Бу эса охир-оқибат Сурия президентининг ўз позициясини ўзгартириши ва минтақада тинчликни сақлашда асосий ролни АҚШга топширишига олиб келди.

Расмий Дамашқ минтақада барқарорликни сақлашда АҚШнинг ўрни катталигини таъкидлагани билан океан орти давлатининг Сурия расмийларига муносабати бирданига яхшиланиб қолмайди, албатта. Таҳлилчиларга кўра, воқеаларнинг бундай ривожланиши учун маълум вақт зарур. Бунинг учун Сурия раҳбарияти айрим масалаларда ён беришига ҳам тўғри келади.

Агар 1994 йили акаси Басил автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлмаганда, Башар Асад ҳозир шифокор сифатида ишлаётган бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ ана шу кутилмаган ҳодиса уни сиёсатга олиб келди. Сурия давлати "ота"си Ҳафиз Асад катта ўғлининг вафотидан кейин Башарни ўзига ворис қилиб тайинлади.

Биринчи навбатда, Сурия ядро ишлаб чиқиш дастуридан расман воз кечиши керак. Худди Ливия раҳбари Муаммар Қаззофий каби. Агар Сурия АҚШ билан яқинлашишни истаса, «Ҳизбуллоҳ» гуруҳини қўллаб-қувватлашни тўхтатишни эълон қилиши, Ироқдан жангариларни ўз ҳудудига ўтказмаслик учун чегарани ёпиши ҳам зарур. Тўғри, Дамашқ ҳукумати ядро дастури борлигини, жангариларни қўллаб-қувватлаш борасидаги айбловларни кескин инкор қилади. Лекин ҳозирги замонда қуруқ инкор билан ишонтириш қийин.

Бундан ташқари, Вашингтон томони Суриядан сиёсий бошқарув тизимини ислоҳ этишни ҳам талаб қилиши турган гап. Сурияда мамлакат мустақилликка эришган вақтлардан бери БААС партияси ҳокимият тепасида. Бошқа сиёсий гуруҳларга эса ҳокимият учун курашга йўл берилавермайди. Ярим асрга яқин вақт давомида амалда бўлган тартиб ана шундай.

Тўғри, 2000 йили отаси Ҳафиз Асаднинг вафотидан кейин президентликни эгаллаган Башар Асад либерал сиёсат олиб боришга уринди. Лондон университетларида таҳсил олган арбоб сўз ва матбуот эркинлиги устуворлигини эълон қилди, иқтисодий тизимда ҳам либерал сиёсат олиб бора бошлади. Лекин бу сиёсат ҳам узоқ давом этмади. Бунга эса мамлакат бошқарувининг уч асосий устуни — армия, БААС партияси ва алавийлар жамоаси эътирози сабаб бўлди.

Шу пайтга қадар Вашингтонга нисбатан танқидий позицияда бўлган Сурия раҳбари унинг салоҳиятини эътироф этиш билан ён берганини маълум қилди. Одатда эса бундай ён беришлар эътиборсиз қолдирилмайди...

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ИМКОНИЯТ

Ипаклари **тиллодан**

Бойсун азал-азалдан ҳунармандлар юрти саналади. Бу ерда халқ ҳунармандчилигининг зардўзлик, каштачилик, дўппидўзлик, гиламдўзлик каби ранг-баранг турлари кенг тарқалган.

ЮНЕСКО томонидан Бойсуннинг номоддий мероси "Инсониятнинг бетакрор дурдонаси" сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда бу ерда халқ ҳунармандчилик санъати йилдан-йилга ривожланиб, сайқал топмоқда.

Бойсуннинг Мачай қишлоғида ўсган Розия Эшонқулова момолардан мерос каштачилик ва гиламдўзлик санъатини давом эттириб келяпти. Отаси Нормаҳмат бобо тракторчилик қилар, онаси Майрам момо эса экин-тикин ишларидан вақт ажратиб, қишлоқ ёшларига ҳунармандчиликнинг ноёб сирларидан сабоқ берарди. Ўшанда Розия опа 12-13 ёшларда бўлиб, онасига тўқиш ишларига кўмаклашар, каштачилик ва гиламдўзликнинг нозик томонларини ўрганишга, унинг сир-асрорларини янада кўпроқ ўзлаштиришга астойдил интилар эди.

— Қишлоқнинг барча хотин-қизлари уйимизни тўлдириб, тикиш-бичиш ишлари билан машғул бўларди, — дейди Розия Эшонқулова. — Момоларимиз иш тикса, ёнидан кетмай атрофида чуғурлашиб юрардик. Улар тиккан кашталарга қараб ҳавас қилардим. Бир гал "Кийик тасвирли" сўзана каштасини тикганимда, онам чунонам қувониб, меҳр билан бағриларига босганлар. Ўшанда устоз ҳунармандлардан тортиб, чевар қизларгача лол қолиб, болаларча эркалаганликлари ҳам ёдимда. Мен эса бу касбнинг сир-синоатини бироз ўзлаштирганим боисми, дастлабки ютуқдан эсанкирамадим, аксинча, бу менга оддий бир ҳолат бўлиб туюлганди.

Сўзанадаги кийиклар, ранг-баранг гуллар ёш қизалоқни ўзига мафтун этган бўлса не ажаб? Оҳуни қучоқлаб, ёнбошлаб ётган тимқора сочли ва оппоқ юзли соҳибжамол тасвири туширилган кашталар бугун уста ҳунарманд қўлида ўзгача сайқал топмоқда. У яратаётган нафис ва сержило сўзаналар киши диққатини бир қарашдаёқ ўзига тортади. Қизил, сариқ, яшил, кўк ранглар уйғунлиги кишига ҳайратомуз енгиллик ва нафислик бағишлайди.

— Биз каштачиликнинг қадимий турларини тиклашга ҳаракат қиламиз, — дейди тўқувчи Санам Имомова. — Келин-куёвларнинг хонасини безатиш учун палак, тахмонда йиғилган кўрпалар устига ёпиладиган борбўш ёки бўғжома, зардевор, сандалпўш, болинпўшлар тўқиймиз. Уларга ҳар хил рангин безаклар, майда нуқтали гуллар туширилиб, қуш ва турли жониворларнинг шакли қўшиб тикилади. Бунда ислими ва ҳандасавий нақшлар ҳам кенг қўлланилади. Қадимий ва замонавий уйғунлик ҳосил қилган кашталар эса ўзида янгича манзарани намоён этади.



Яқинда Розия Эшонқулова ЮНЕСКО ёрдамида Бойсун "Ҳунармандчилик маркази"да тўқимачилик цехини йўлга қўйди. Ҳозир цехда ўнга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланган. Санам Имомова, Фотима Зияева, Садоқат Қодирова, Гулноза Жўрақулова, Назокат Собирова каби шогирдлардан устознинг кўнгли тўқ. Улар гиламдўзликнинг янги қирраларини очиб, қадимги халқ амалий санъати намуналари билан уйғунлаштиришга, миллий анъаналаримизни янада бойитишга ҳаракат қилмоқдалар.

Розия опа қўлида сайқал топаётган "Қўнғирот", "Аждаргул", "Тўдагул", "Келинқош", "Туябўйин", "Имом Султоний" каби гиламларга хорижликларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Янги яратилган "Розия-Н" нусхали гилам ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортяпти. Унинг устки қисми ипак толасидан, ости эса қўй жунидан бўлиб, гуллари сўзананики каби бежирим ва жуда нафис.

— Битта гилам тўқиш учун 8-11 килограммгача ҳомашё керак бўлади, — дейди суҳбатдошимиз. Бўёқлар табиий йўл билан тайёрланади. Масалан, қизил ранг рўяндан, малла ранг ёнғоқ пўстлоғидан, кўк-яшил ранглар эса индиго ўсимлигидан олинади. Бундай табиий бўёқлардан фойдаланиб тўқилган гиламларнинг ранги ўчмайди. Ўтган йили Розия Эшонқулова Қозоғистонда ўтказилган халқаро кўргазмада қатнашди. У тўқиган қадимий услубдаги гиламлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва "Сифат" белгисига сазовор бўлди. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган гиламларининг тасвири туширилган тақвимлар чиқарилди. Бугун Розия опа тўқиган гиламлар нусхасини жаҳоннинг бир қатор музейларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳа, унутилаёзган халқ ҳунармандчилиги истиқлол йилларида қайта жонланиб, Розия опадек қўли гул усталарга имконият эшиклари кенг очилди. Бундан илҳомланган ҳунарманд келгусида кашта ва гилам тўқиш корхоналари очишни режалаштирган. Энг муҳими, эзгу ниятлар амалга ошса, қишлоқдаги юзлаб хотин-қизлар иш билан таъминланиши баробарида момолардан мерос ҳунармандчилигимиз янада бойиб ривожланиши шубҳасиз.

Шерали ҚОДИРОВ,
"Ҳуррият" мухбири.

СУРАТДА: *Розия Эшонқулова тўқиган гилам.*

АЙТГАНЧА

Бугунги ўқувчи нечта шеър ёд билади?

Ҳозир "Компьютер хизматлари" деб ёзилган қайси бир жойга қараманг, бир гала талабалар реферат, курс иши, яна қандайдир "иш"ларни кўчиртираётган бўлади. Аслида бу каби кўчир-кўчирларнинг кимга кераги бор. Агар талабанинг ўзи компьютерда ёзаётган бўлса-ку, яхши-я. Аввало, у компьютер билан тиллаша оладиган бўлади, ёзма нутқи ривожланади ва қолаверса, хотирлаш қобилияти ҳам ўсади...

> Мутахассисларнинг фикрича, инсон мияси миллион жилдлик китобга сиғадиган ахборотни қабул қила олар экан.

Азиз газетхонларга айтмоқчи бўлган фикримиз ҳам таълим жараёнида ёдлатиш усулини кенгроқ жорий қилиш тўғрисида.

Бу хусусда тарихга бир назар солайлик. XV асрда зиёли, шоир бўлмоқ, адабий гурунгларда қатнашмоқ учун ўттиз минг байт (йигирма минг салафлардан, ўн минг замондошлардан) шеърни ёд билиш шарт ҳисобланган. Алишер Навоий бу муносабат билан эллик минг байт (ўттиз минг салафлардан, йигирма минг замондошлардан) ёд олганлигини ёзади.

Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Форобий ва Берунийдек улуғ аждодларимиз мадрасада ёдлаб таҳсил олганликлари боис оламни лол қолдирадиган буюк алломалар бўлиб етишганлар.

Бундан бир неча ўн йил аввал йирик математик ва кибернетик олим фон Нейман бутун дунёга жаҳоншумул хабар тарқатди. Унинг кўп йиллик кузатишларига кўра, одам мияси тахминан миллион жилдлик китобга сиғадиган ахборотни эслаб қолиш имкониятига эга экан. Замонамиз олимлари эса миямизда бўлаётган жараёнлар тўқсон миллион қалин китобни тўлдиради, деган хулосага келишган.

Бир қарашда бу фикрлар ақл бовар қилмасдек туюлади. Лекин яна бир бор тарих саҳифаларини варақлаб кўрсак олимларимизнинг тадқиқотлари натижаларига қўшилмасликдан ўзга иложимиз қолмайди.

Қадим тарихчиларнинг тасдиқлашларича, Юлий Цезар ва Александр Македонский 30 минг аскар исмини ва уларнинг юз тузилишини эсда сақлаган.

Буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ўз сўзига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайрисаҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билган экан.

Ҳеч қандай машҳурликни даъво қилмаган оддий фуқаро Э. Гаон бўлса ҳаёти давомида ўқиб чиққан 2500 китобни хотирасида сақлаб қолган. У сира иккиланмасдан бу китобларни хоҳлаган қисмини ёддан ўқиган.

Мозийдан мавзуга қайтсак-да, бугунги айрим ёшлар тўрт қатор шеърни ёд билмасдан умумтаълим мактабини битираётганини ҳам эътироф этсак. Айтишларича, бугунги кунда америкалик ўқувчилар калькулятордан кенг фойдаланишлари натижасида оддий арифметик амалларни бажаришга ҳам нўноқлашиб бораётган экан. Фантехника ютуқлари ёшларни ақлий ялқовлашиб қолишига сабаб бўлаётганини инкор этмаслигимиз керак.

Яқинда 10-15 та китоби нашрдан чиққан яхшигина истеъдодли шоир билан талабаларнинг мулоқоти бўлди. Табиийки, шоир шеърлари ҳақида сўради. Афсус, бирорта талаба ижобий жавоб бера олмади. Ҳолбуки, уларнинг деярли барчаси бўлажак адабиёт ўқитувчилари эдилар. Ёдлаш тугул шеър ўқимаётган бундай талабалардан эртага қандай ўқитувчи чиқиши мумкин?

Бас, шундай экан, болалар боғчасидан олий ўқув юртигача бўлган таълим масканларида ёдлатиш усулларини кенг жорий қилиш лозим эмасмикин? Бу борада педагог-психологларнинг амалий тавсиялари зарур. Қолаверса, педагог олимлар боболаримиз мадрасаларда қўллаган ёдлатиб ўқитиш тажрибаларини чуқурроқ ўрганиб, замонавий таълим жараёнларига татбиқ этиш борасида излансалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундагина ёшларимиз глобал миқёсда фикрлайдиган, профессионал, маънавий етук инсонлар бўлиб етишадилар. Зеро, ҳукуматимиз олиб бораётган ёшлар сиёсати мазмун-моҳияти ҳам таълим самарадорлигини ошириш, келажак авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга қаратилган.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
"Ҳуррият" мухбири.

АНЖУМАН

Сўз **эркинлиги ва масъулияти**

Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни — 3 май арафасида пойтахтимизда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда ОАВ фаолиятини либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида туб янгиланишлар амалга оширилмоқда, — деди анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов.

Анжуманда матбуот, телевидение, радиостудиялари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, халқаро ахборот бозорида ислоҳотларни холис ёритиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар, ахборотлашган жамиятда интернетнинг роли, республикамизда интернет журналистикани янада равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраевнинг қуйидаги сўзлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди:

— Ҳозирги кунда республикамизда 898 номдаги газета, журнал, бюллетень ва бошқа даврий нашрлар чоп этилмоқда. Даврий нашрлар сони истиқлол йиллари даврида қарийб 2,5 баробарга, сўнгги ўн йилда эса қарийб 400 тага ошди. Ахборот бозорида сиёсий партиялар, ўнлаб жамоат ташкилотларининг газета ва журналлари, 250 га яқин мустақил нашрлар ўз ўрнига эгадир, — деди у. Марказда ва жойларда 12 тилда турли газета, журнал, бюллетенлар нашр этилади. Шулардан 502 номдагиси ўзбек тилида, 164 та нашр икки ва ундан ортиқ тилда, 84 таси эса уч-тўрт тилда чоп этилмоқда. Шунингдек, ҳозир республикада 57 телестудия ва 17 та радиоканал, шу жумладан 40 та хусусий студиялар фаолият кўрсатиб турибди. Сўнгги ўн йилда уларнинг сони 5 тага кўпайди. Кўрсатув ва эшиттиришлар 11 тилда олиб борилади.

Албатта, мамлакатимизда ОАВни либераллаштириш, таҳририятларга, журналист, шарҳловчи ва бошқа ижодкорларга кенг эркинлик бериш билан бирга улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклашини изоҳлашга ҳожат йўқ. ОАВнинг бозор муносабатлари шароитида ахборот майдонида соғлом рақобат олиб бориши, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини янада ошириш, ОАВ фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни жадаллаштириш давр талабига айланган. Журналистларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш борасида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ташкил этилиши, Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялари тармоғи (ЎзНТТ) фаолияти йўлга қўйилиши нодавлат телерадиостанциялари фаолиятида ғоят муҳим ўрин тутмоқда, — дейди Қўқон шаҳридаги «Мулоқот» телевидениеси раҳбари Бурхон Шерматов. – Зеро, бугунги кунда республикамизда 30 та ҳудудий телестанция, 16 та нодавлат радиостанциялар ва 28 та кабель телевидениелари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан бир сафда фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнларини изчил ёритиб бораётгани эътиборга моликдир.

Анжуманда сўз юритган Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов кейинги йилларда фонд томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилган, грант соҳиблари бўлган таҳририятлар эришган ютуқлар ҳақида алоҳида сўз юритди. Мамлакат ОАВ лари бугунги ривожида фонд кўмаги ва муносиб фаолияти шак-шубҳасиз жуда катта бўлмоқда.

Тадбир давомида кўплаб фикр алмашинишлар, фойдали чиқишлар бўлди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Тўлқин ЭШБЕК

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

"Ижодий парвоз" юксакликни кўзлайди

Кино санъати – халқ санъати. У бутун инсоният учун хизмат қилади. Шу сабабли уни умуминсоний қадриятлар сирасига киритишади. У биргина мамлакат миқёсида ривожлана олмаслиги шубҳасиз. Бугунги глобал интеграциялашув жараёни нафақат иқтисодий, сиёсий, балки санъат, маданият соҳаларида ҳам ўзаро ҳамкорликлар қамровини кенгайтиришни тақозо этади. Бу борада пойтахтимизда учинчи бора ўтказилаётган Марказий Осиё ёшларининг «Ижодий парвоз» халқаро кинофестивали ўзига хос аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмайди. Фестивал шу йилнинг 12 майидан 18 майига қадар Тошкент ва Бухорода бўлиб ўтиши режалаштирилган. Кинофестивалнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари билан яқиндан танишиш ниятида фестиваль бош директори Манноб ҚЎЧҚОРОВ билан суҳбатлашдик:

— Марказий Осиё ёшларининг «Ижодий парвоз» халқаро кинофестивалини ўтказишда Ўзбекистон ташаббускор бўлаётганлиги қувонарли ҳол. Қолаверса, фестиваль шуниси билан муҳимки, бу йил — «Ёшлар йили». Мамлакатимизда ёшлар ижодий имкониятларини амалда тўлақонли намойиш этишлари учун кенг шарт-шароит яратилган. Шу маънода фестивални ўтказишдан бош мақсад — ёш кинематографларни қўллаб-қувватлаш, амалга оширган ишларини имтиҳондан ўтказиш, шу билан бирга, қўшни давлатлар кинематографиясидаги ижодий жараён, бу мамлакатларда кечаётган ижтимоий ҳаёт, ёшларнинг қизиқиши ва муаммолари хусусида маълум тасаввурга эга бўлиш имконини яратади. Шу билан фестиваль ёш киноижодкорлар учун ижодий мактаб вазифасини ҳам ўтайди. Фестивалнинг асосий вазифаси эса истеъдодли ёшларни дунёга олиб чиқиш ҳамда уларни рағбатлантиришдир.

— Манноб ака, фильмлар ҳақидаги дастлабки тасаввурларингиз қандай?

— Бу йил фестиваль учун юборилган фильмлар кенг қамровли. Фильмларнинг кўпчилиги ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини ўзида акс эттирган. Тўғри, баъзилари техник, бадиий жиҳатдан талабга тўлиқ жавоб бермас, лекин энг муҳими — режиссёрнинг фильмда илгари сурган ғояси, олий мақсади . Танлов комиссияси учун ҳам энг муҳими шу, яъни оригинал ғоя, янги фикр. Айни пайтда мутахассислар ўзбек киноларининг саёзлашиб қолаётганидан қайғураётган вазиятда бу фестивалнинг ёш ижодкорларга тўғри йўналиш кўрсата олишининг ўзи ҳам катта гап. Ундан ташқари, фильмларни кўрар эканман, менга ёққан энг муҳим жиҳат бу ёш кинематографчиларнинг ижодий жасорати. Улар долзарб мавзуларга қўл уришганки, одатда буни тажрибали режиссёр ҳам уддасидан чиқа олмаслиги мумкин. Хусусан, О'Генри асарларининг экранлаштирилиши, ўткир ижтимоий муаммоларнинг ёритилишини таъкидлаш лозим. Буни асосан икки болакай тўғрисидаги «Бизда ҳаммаси яхши» («У нас всё хорошо») қирғиз фильми мисолида кўриш мумкин. Ота-онаси йўқ, қаровсиз иккита бола. Бири онаси қабри бошига бориб, мактабга қатнашни, доим аъло баҳоларга ўқишини айтади. Аслида эса бири ер ости йўлларида тиланчилик қилса, иккинчиси серқатнов машина йўлларида «ишлайди». Уларнинг тақдири не кечади, келажакда ким бўлади? Ҳеч кимнинг улар билан иши йўқ. Фильм томошабинларни шу ҳақда мушоҳада юритишга чорлайди. Бундай фильмларни кўриб шу хулосага келдимки, ҳозирги ёш ижодкорлар замон билан ҳамнафас, ғайратли, шижоаткор ёшлар. Ҳали қўлидан кўп нарса келмайди, лекин мақсади сари олға интилади. Мени қувонтирган жиҳат ҳам ана шу. Демак, яқин келажакда Марказий Осиё кино санъатида янги кўтарилиш юз беришига умид қилиш мумкин. "Ижодий парвоз" кинофестивали ҳам қайсидир даражада бу жараёнга ҳиссасини қўша олса, биз ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик.



— Бу йилги фестивалнинг олдингиларидан қандай фарқли жиҳатлари борлиги ҳақида билмоқчи эдик.

— Айтиш жоизки, бу йилги фестивалнинг географияси кенгайган, фильмлар миқдори ҳам кўпайган. Қолаверса, уларнинг эстетик шаклари янада ранг-баранг, кенг қамровли. Яна эътибор берсам, биринчи фестивалда бирорта ҳам аёл режиссёр иштирок этмаган экан. Иккинчисида 2 ёки 3 та эди. Бу йилгисида 9 нафар аёл режиссёр иштирок этиши кутилмоқда. Шу билан бирга, бу йил меҳмонларнинг ва иштирокчиларнинг жонажон юртимизнинг тарихий шаҳарларидан бири бўлган Бухоро шаҳрига саёҳати режалаштирилган. Меҳмонлар фильм кўришлари билан бирга, Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қиладилар. Иккинчидан, фестиваль қошида кино оламига оид техник янгиликларга доир кўргазма ташкил этилиши кутилмоқда.

— Фестиваль ташкилотчилари ва ҳамкорлари ҳақида ҳам сўзласангиз?

— Фестивалнинг асосий ташаббускори ва ташкилотчиси, албатта, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Ҳамкорларимиз Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Тошкент давлат санъат институти, Бухоро вилояти ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон темир йўллари" ОАЖ, шунингдек, Швейцария ва Францияниг Ўзбекистондаги элчихонаси, Тошкентдаги Гёте институти, Ўзбекистондаги Британия кенгашига яқиндан ёрдам берганликлари ҳамда танловдан ташқари фильмларни тақдим этганликлари учун ташаккур билдирамиз. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Кинофонди, "Мусаффо экран" кинови-део ассоциацияси, "LEG Uzbekistan" кўргазмалар компанияси, "Asia Inshurans" суғурта компанияси, Ўзбекистон Бадиий академиясидан биз билан яқиндан ҳамкорлик қилганликлари учун миннатдормиз.

— Ғолибларни қандай йўналишлар бўйича тақдирлаш режалаштирилган?

— Бунда "Энг яхши фильм", "Энг яхши режиссёр" ва "Энг яхши талаба иши" учун I, II, III ўрин ва бош совриндан учун тўғри маънода кураш, мусобақа бўлади, деб ўйлайман. Фестивалда намойиш этилган ҳар бир фильм иштироки учун махсус диплом берилади. Шу билан бирга давлат, хусусий ва жамоат ташкилотлари томонидан махсус совғалар тайинланган.

Севара СОДИҚОВА
суҳбатлашди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

МАЪНАВИЯТ

ДИЛСЎЗ

СОҒИНЧ

Мен сизни соғиндим, ҳануз соғинаман. Йўқ! Бу соғинчдан қўрқмайман! Гарчи у қалбимдан тонгларни тортиб олиб, кўнгилни бегона тоғларда адаштирса-да қўрқмайман! Соғинаман, соғинавераман...

Телбавор дунёнинг телба шамоли дарахт шохларини тортқилайди. Япроқларини юлиб-юлиб саҳроларга судрайди. Офтоб аразлай кетади. Ёмғир қўрқа-қўрқа ёға бошлайди.

Мен эса... соғинаман! Яна ва яна соғинаман! Бу соғинч юракни қон қилар, қалб йиғлайди.

Ёмғир жаҳл билан ёға бошлайди. Момақалдироқ гумбурлай-гумбурлай, чақмоқ чақади. Олам зимистон!

Мен барибир соғинаман. Соғинч охир қалбни аждарҳодек юмдалаётир.Мен эса беҳол асирман...

Шамол, ёмғир, жала, зимистон... Замин титрайди. Ногоҳ қор ёға бошлайди.

Яна соғинаман.Энди қалб бутун эмас.У лаҳта-лаҳта қон, бўлак-бўлакланиб кетган. Аммо энди бир қалб эмас, унинг ҳар бир бўлаги сизни соғинади.

Қор эса шиддат билан ёғади. Бутун дунё оққа бурканган. Қалбни, карахт вужудимни кўмиб юборади.

Ҳануз беҳолман, ҳануз соғинаман. Энди уни ҳайдасам ҳам кетмайди. Энди руҳим бебош, қалбим билан ҳамфикр...

Баҳор келибмикан, рўйи заминда кўкиш нарса кўринади. Хуш ҳавонинг бўйини сезаман. Юрагимдаги нимадир эса нафас ютиб мени кузата бошлайди. Секин кўзгуга қарайман. Нигоҳ! Қаерда кўрганман-а бу қарашни?! Ахир отам... Наҳотки! Отажон, ота сизмисиз?!

Ҳа, отажон сизни жуда-жуда соғинмабманку...

Ситора ШАМСИДДИН қизи

МУТОЛАА

Қайралган қалам эгаси

Одамлар ҳам китобга ўхшайди. Китоблар бор, биринчи саҳифасиданоқ домига тортиб кетади, қўлдан қўймай охирига етганингизни билмай қоласиз. Китоблар бор, уч-тўрт варақ ўтиб зериктиради, одамни эсноқ босади. Баъзи умри азиз инсонлар борки, улар билан суҳбатлашсангиз, жонингиз роҳат қилади, яна суҳбатини соғинасиз. Баъзи бир эзма, фикри саёз кимсалар ҳам борки... Келинг, у ёғини айтиб тилло вақтингизни ўғирламайлик. Камина бу мухтасар ибтидо билан ижодкор иним, ҳамфикр дўстим, қайралган қалам эгаси Мурод Абдулла ўғли хусусида тўрт-беш оғиз сўз айтмоқчи эдим.

Китобдан бежиз гап очмадим. Муродилла сиз билан бизга янги китобини армуғон этгали чоғланибди. Номи ҳам дилтортар — "Тўмарис она". Муборак ном. Ҳеч иккиланмай Тўмарис она туфайли жами туркий элатларни кўкалдош оға- инилар дейиш мумкин.

Сайланмани бир нафас билан, "дўппини ҳидламай" ўқиб чиқдим. Унда ўн-ўн беш йил илгари ёзилган воқеий ҳикоялар ҳам, куни кеча битилган бадиа ёхуд очерклар ҳам бор. Аммо улар ўзаро "қўл ушлашиб", шода маржондек бир ипга тизилиб турибди. Ўзимча бунинг сабабини топгандай бўлдим: Муродилла юрт соғинчи, она замин кўрки, яхшилик шарофати, иймон-эътиқод собитлиги, хуллас, комил инсонга хос туйғулар, чин Ватан фарзандига ярашадиган хислатлар хусусида қалам тебратган. Мазкур хислатлар эса бани башар бор экан, то адаб эскирмагай, одам боласига зебу зийнат бўлиб қолгай.

Ўттиз-ўттиз беш йилдирки, Муродилланинг ижодини кузатиб келаман. Бу қаламкашнинг шахсиятидаги бир хислат кишининг ҳавасини келтиради. У каттами, кичикми, қайси мавзуга қўл урмасин, эҳтирос билан куюниб ёзади. Долзарб муаммоларни кўтарганда эса баъзан ҳаяжонини яширолмайди. Бу эл-юрт ғамида ёнган чин зиёлининг амали деб биламан.

Муродилла Қарши чўлининг қоқ белида туғилган. Унинг болалиги муаззам қирмизи гиламдек бепоён қизғалдоқзорлар, уфқларга туташган мовий осмон, самоларда чарх урган бўстўрғайлар, баҳорий тошқинлар ва йил ўникки ой эсиб тургувчи сарин елларга эш бўлди. Шунинг учун бўлса керак, Мурод Абдулла чўл ва чўл одамлари ҳақида ёзганда қалами эмин-эркин йўрғалайди, киндик қони тўкилган юрт васфи унинг илҳомини жўш урдиради. Мана, "Туркистоннинг тоза мавжлари" деб аталган эсседан бир мисол: ***"Туркистонни осмонталаш тоғлар, буюк саҳролар, чўнг денгизлар ўраб туради. Бағридан улуғ дарёлар ҳайқириб оқади. Бу диёрда оламга келиб, унинг юксак тоғларидек мададбахш бўлган, жўшқин дарёларидек тўлиб оққан, эл қалбида улуғ денгиздек мавжланиб ётган беназир сиймоларга жаҳон таъзимда. Мен Туркистонни хаёлан тасаввур этгим келганида ана шу тоғлар, ана шу дарёлар ва шу зукко боболаримни ўйлайман".*** Эссе шу тарзда баланд руҳ ва ошуфта бир юрт ошиғининг дил изҳори бўлиб давом этаверади.

Муродилла устоз кўрган, боз устига доно, талабчан ва меҳрибон устозлар назарига тушган адиб. Унинг Абдулла Ориповдек закий шоирнинг этагини тутганлигини, Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов сингари унитилмас зотлардан таълим олганлигини биламиз. Муродилла китобида устозлари шарафига ҳам содиқ шогирдлик сўзини айтибди.

Журналист халқининг ҳам тоифаси кўп бўлар экан. Айрим касбдош дўстларимиз бор, идорангинг юқори қаватида ўтириб ҳаётни кузатади ва кўчада кўрганларини қоғозга туширади. Бунақа кимсаларни хабарчи, гўзал ахборотчи ҳам дейиш мумкин. Яна бир хил қалам соҳиблари гўё арқонлаб қўйилган тулпорни эслатади — улар олисга чополмайди. Нари борса, Тўйтепадан қайтади. Мурод Абдуллага бу иккала тоифа ҳам бегона. У тиним билмайди. Гоҳида йўқлаб қолсанг, уйидан тополмайсан. Бир қарасанг, бийдай қозоқ чўлларида, бир қарасанг, Молдова узумзорларида юрган бўлади. Гоҳо уни дунё томи аталмиш Помир тоғ тизмалари бағрида, гоҳо ўзимизнинг Варахша ёки Қизилқум бархонлари орасида учратасиз. Бу қаламкаш битган ва битаётган дилномаларнинг ўқишли эканлиги, одамларга маърифий-маънавий янгилик элтиши эҳтимол шу жаҳонгаштталик туфайлидир. Устоз Асқад Мухтор тепаликка чиққан одам ёнверини кўради, тоққа чиққан одам бутун водийни кўради, дегувчи эди.

Муродилла афтидан бу ўгитни дилига жо қилиб олган кўринади.

Етмишинчи йилларнинг бошида журналистикамизга бир тўп иқтидорли ёшлар кириб келди. Улар орасида Қарши даштининг Чороғил қишлоғидан чиққан тийрак ва тиришқоқ Муродилла Абдуллаев ҳам бор эди. Ўтган ўттиз беш йил ичида Муродилланинг қалами обдон қайралди. Энди у республикамиз матбуотининг забардаст вакилларидан бирига айланди. Шогирд эди. Энди ўзи ёшларга устоз. Лекин ҳамон унинг оти эгарланган, ҳамон у сафарга шай. Қирқ йиллик сирдош қалами ҳам унга ҳануз беминнат ҳамроҳ. Теша тегмаган мавзулар эса қайралган қалам соҳиби Мурод Абдуллани кутиб интизор.

Саъдулла СИЁЕВ

ТАРБИЯ

Бола кўчага чиқди(ми?)

Биз заиф ҳолда дунёга келамиз — бизга куч керак; биз ёрдамга муҳтож бўлиб кўз очамиз — бизга ёрдам зарур; биз мурғак онг билан туғиламиз — бизга ақл-заковат даркор. Туғилганимизда нимагаки муҳтож бўлсак ва вояга етгач уларсиз яшашимиз мумкин бўлмаса, буларнинг барисини бизга тарбия беради.

Ж. Ж. РУССО

Болаликда ўртоқларим билан доимий баҳсга сабаб бўладиган бир савол бор эди: "Кимнинг дадаси кучли?" Бу "жиддий" саволнинг якуний ечимини ҳеч қачон топа олмаганмиз, чунки ҳамма ўзининг отаси кучли эканлигига шубҳа қилмасди. Дадаларни бир жойга жамлаб курашга туширишнинг эса ҳеч иложини тополмасдик. Хуллас, бола учун ота-она энг идеал инсон эканлигини энди-энди англаб етгандай бўляпмиз. Аммо ўз отаси ёки онаси билан мақтана олмайдиган боладан ҳам бахтсизроғи бўлмаса керак...

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вақтинча (яқинлари аниқлангунга қадар) яшаётган болалар билан суҳбатлашар эканмиз, улардан баъзиларининг кўзларидаги мунг ифодаси диққатимизни тортди:

— Исмим Ситора, ёшим 9 да. Мен аям билан Яккасаройдаги масжид олдида, кейин светафорнинг ёнида ҳам ишлардик (тиланчиликни "ишлаш" дейди). Дадам йўқ. Аям "Даданг ўлган" дейдилар.

Ўша куни аям касал бўлиб қолдилар. Мен бир ўзим "ишлаш"га бордим. Чорраҳада турганимда бу ерга олиб келишди... Ҳали аям ёзишни ҳам, ўқишни ҳам ўргатмаганлару, лекин катта бўлсам бу ердаги опаларга ўхшаб ўқитувчи бўлмоқчиман.

— Ёшим 16 да, исмим Анора. Учтепа туманида яшайман. Мени бувим тарбиялаган. Улар вафот этганларидан кейин ота-онам мени асраб олишган. Улар яхши инсонлар, лекин бувим бошқача эдиларда. Мен ота-онамга меҳр қўёлмайман. Уйда нимадир етишмагандай бўлаверади. Кун бўйи ўртоқларим билан кўчада юрардим.

Ўшанда туғилган куним эди. Кўчадаги дўстларим билан нишонладик. Ярим кечаси уйга келдим. Лекин умуман уйқум келмади. Дераза-дан ошиб, дискотекага кетдим. У ерда бир йигит билан танишиб, роса ичдик. Эрталаб эса унинг уйида уйғонганимда ҳаётимнинг алғов-далғов бўлганини ҳис қилганман.

Марказнинг болалар билан ишловчи бош руҳшуноси Ирода Ҳакимовадан биз суҳбатлашган қизларнинг руҳий дунёси ҳақида сўрадик.

— Тарбиянинг биринчи ўчоғи — оила. Бу қизлар эса таълимда ҳам, тарбияда ҳам тенгдошларидан анча орқада.



Шахсларо муносабатларда кўпинча муаммога дуч келишади. Дастур билан танишган бўлсангиз керак, марказда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган қаровсиз, ёнида шахсини тасдиқлайдиган бирор бир ҳужжати бўлмаган болалар олиб келиниб, бир ой (боқувчилари воз кечган тақдирда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ҳақида суд қарори чиққунга қадар — 45 кун) сақланади.

Ситора онаси билан Яккасарой туманида яшаган. Тиланчилик қилиб кун кўришган. Менимча, суд қароридан сўнг бу қизчани Меҳрибонлик уйига топширишса керак.

Анора эса ахлоқий тарбияси яхши бўлмагани учун суд хулосасидан кейин Қўқондаги ёпиқ турдаги махсуслаштирилган мактаб-интернатга юборилса керак. Бу болалар ҳам беғубор болалик завқини ҳис қилишга ҳақли. Шунинг учун уларнинг келажагини тўғри йўналтиришни давлат ўз зиммасига олади.

Бу ерда нафақат юртимизнинг турли ҳудудларидан пойтахтга келиб қолган болалар, балки МДҲ дан келган вояга етмаганлар ҳам вақтинча сақланаркан.

— Исмим Зафар, 15 ёшдаман. Тожикистонда яшайман. Учта ўртоғим (Дониёр, Шуҳрат, Александр) билан Бекободга, холамникига келган эдик. Онамдан рухсат сўрагандим, озроқ пул бердилар, Отам — машинасоз уста, онам — уй бекаси. Ўзим ўртоқларим билан бозорда ишлардик. Ҳаммамиз мактабдан чиққанмиз, ўқишга бормаймиз. Иккинчи синфгача ўқиганман, холос.

Педагог-руҳшунос Гулчеҳра Қосимова бу ердаги ўғил болалар руҳияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Кўпинча ота-онанинг болага етарлича эътибор бермаслиги ёки оилавий муҳитнинг носоғломлиги боис болада уйдан безиш ҳолати юзага келади ва ўз-ўзидан муҳитни ўзгартириш нияти туғилади. Бундай болаларнинг кўчадан паноҳ излаши табиий.

Яқинда 16 ёшли Жамшид исмли боланинг руҳиятини ўрганишимга тўғри келди. Онаси руҳий хасталикка учрагани учун отаси у билан ажрашиб, бошқа аёлга уйланган экан. Бола онаси билан яшаган. Оиладаги тушкун ва носоғлом муҳит бола руҳиятига жуда салбий таъсир кўрсатган. Жамшидни марказимизга олиб келишганда унда руҳий толиқиш (стресс) бор эди. Онаси муомалага лаёқатсиз, отаси эса боласидан воз кечгани учун суд қарори билан Меҳрибонлик уйига топширишди. Биз марказимизга келтирилган болаларга этика, эстетика, ҳуқуқшунослик, жинсий тарбия ҳамда фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам каби йўналишларда сабоқ бериб борамиз. Уларнинг кейинги ҳаёт йўлларида бу ерда олган таҳсиллари, албатта асқотади, деб ўйлайман.

Бир болага етти маҳалла ота-она, дейдилар. Фарзанд тарбиясида атроф-муҳитнинг-да таъсири катта. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекона тарбияда ошна-оғайничилик, дўст-ёрчиликка ҳам алоҳида эътибор берилади. Мурғак гўдакларнинг беғубор кулгусию, яқинлари бағридаги ўсмирларнинг ойдин келажак орзусида яшашига нима етсин?! Бола кўчадан паноҳ изламаслиги учун ҳам ота-она меҳри, ҳам атроф-муҳит тарбияси муҳимга ўхшайди.

Сиз нима дейсиз?

Ситора ТОЖИДДИНОВА, "Ҳуррият" мухбири.

БАДИА

Кобул Саланг тоғ тизмаларига жойлашган шаҳар ҳисобланади. Бир неча йиллик урушлардан сўнг, вайронага айланган пойтахт ҳаёти аста-секин жонланаётганди. Бу жонланиш, барча Шарқ мамлакатларида бўлгани сингари, савдо расталарида, бозорларда бош кўтараётганди. Лекин кўчалар, бинолар, йўллар шу қадар кўп талафот кўрган, ёндирилган, портлатилган эдики, уларга кўз тушган сайин юраклар зир-зир қақшарди. Бу одамлар ҳам инсон сингари яшашга ҳаққи борлиги, лекин айни пайтда инсоний ҳуқуқдан маҳрумлиги аянчли оғриқ уйғотарди.

Зарнигор



Уйлар, иморатлар шунчалик талафот кўрган бўлса, одамлар аҳволи янада аянчлироқ бўлса керак, деган хаёл билан шаҳардаги энг катта шифохоналардан бирига йўл олдик. Лекин шифохонада одамлар сийрак эди. Фақат протез қўл, оёқ ясовчи бўлимгина гавжум экан.

Мен афғон қизи Зарнигор билан мана шу ерда танишиб қолдим. У чодрага ўраниб турар, фақат кўзларининг гардиши очиқ, енги ҳилпираб турганидан бир қўли йўқлиги билинарди. У афғон дўстларимиз ёрдамида, ўз бошидан кечирган қуйидаги воқеани гапириб берди:

— Бир куни отам дўконга бориб келишимни буюрди. Кўчада кетаётгандим. Айни пешин эди. Тўсатдан елкамга тушган оғир зарбадан ерга йиқилдим. Оғзи-бурним қон бўлди. Чодрам отилиб кетди. Ўзимни ўнглаб қарасам, бир толибон милтиғини тираб тепамда турибди. «Нега намоз пайти намоз ўқимай кўчада сандироқлаб юрибсан», деб бақирди. Мен орқага тисарилиб, паранжимни ёпинишга тутиндим. У милтиқ қўндоғини биқинимга тираб: «Ҳозир отиб ташлайман!» деб дағдаға қила бошлади. Мен отам иш буюрганини, уйга қайтиб намоз ўқишимни айтдим. Бироқ ҳеч қачон бу қадар ҳақоратланмаганимдан, оғриқ суяк-суягимдан ўтиб кетганлигидан шу қадар аччиғим чиқдики, толибон орқага ўгирилган заҳоти, ердан тош олиб, бошига урдим. Бундан қутуриб кетган толибон мени аёвсиз дўппослай бошлади, ерга юмалатиб тепди ва қўлимни оёқлари остига олиб, милтиқдан ўқ узди. Мен ҳушимдан кетдим.

Ҳушимга келганимда, бир қўлим йўқ эди.

Отам ҳам, акаларим ҳам бу ҳолдан қаттиқ қайғуришди. Лекин ўша пайтда толибонларга қарши ҳеч ким бош кўтаролмасди. Улар намоз ўқимаганларни шаҳар ўртасидаги майдонга чиқариб отиб ташлар, соқол қўймаганларни қамчилар, паранжисиз юрган аёлларни тошбўрон қиларди.

Ҳатто ўн йил, йигирма йил уруш кўрган афғон генераллари ҳам қаёқларгадир қочиб кетганди. Мени эса, ўч олиш туйғуси тарк этмасди. Кечаю-кундуз ўша мени ярим жон қилган толибонни қидира бошладим. Унинг қаҳрли юзи кўз олдимда қаттиқ ўрнашиб қолганди. Уни аввал ҳеч қачон кўрмаган эдим. Паранжи ўраниб, масжидларга, бозорларга, уларнинг ҳарбий ўқув майдонларига борардим. Ва бир куни уни топиб олдим. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтолмасдим. Мабодо, отам ёки акам у толибонни таниб қолса, уруғлар ўртасида қонли можаролар бошланарди.

Ёшим 19 дан ошиб, уйимизга Масъуд деган йигитдан совчи кела бошлади. Албатта, бир қўли йўқ қизни ҳамма ҳам келин қилишни истайвермайди. Лекин мен Масъуд билан биринчи учрашувдаёқ, ҳали у билан икки оғиз сўзлашмасдан, ҳатто унинг туриш-турмушига тўла разм солмаёқ, ўз шартимни айтдим:

— Агар менга уйланмоқчи бўлсангиз, розилигимни олмоқчи бўлсангиз, мени хўрлаган, мажруҳ этган ўша толибондан ўч олишимиз керак, унинг уйини портлатамиз, — дедим.

Бу албатта оғир синов эди. Масъуд менинг кўзларимга жуда узоқ термилди. Менинг кўзларимдан эса дув-дув ёш тўкиларди. Мен ортиқ гапиролмас эдим. Орадан қанчалар вақт ўтиб, кўзларимни унга тикиб қараганимда, қаршимда мен учун жонини фидо қилишга тайёр йигит турганлигини кўрдим ва бўлган воқеанинг ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим.

Ўша кундан бошлаб Масъуд билан ҳар куни пинҳона учрашадиган бўлдик. Мени унга унаштиришди. Толибон биздан икки маҳалла нарида, бир муҳожир пуштуннинг уйини тортиб олиб, ўша ерда яшарди. Режамизни Масъуд ва мендан бошқа ҳеч ким билмас, Кобулдаги ҳар бир хонадонда етарлича қурол-яроғ, миналар борлиги туфайли бир куни ярим тунда тиш-тирноғимизгача қуролланиб, йўлга тушдик. Масъуднинг қўйнида ўндан ортиқ бомба бор эди. Ўша куни тунда Масъуднинг мардлиги, жасорати мени лол қолдирди. Бу лаҳзалар ҳаётимнинг энг бахтли, энг шиддатли, қўрқув ва изтиробга тўла лаҳзалари эди. Мен Масъудни мана шу лаҳзаларда жонимдан ортиқ яхши кўриб қолдим. Мен ўша тунда мени бир умрга ногирон қилган, ҳаётимни азоб-уқубатга тўлдирган, ҳўрлаган ва ҳақоратлаган кимсадан ўч олдим.

Лекин бу ўч бизга жуда қимматга тушди. Эртасига толибонлар ўнлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритди. Қўшниларнинг уйларини ёқиб юборди. Кимдан гумон қилишса, аёвсиз қирди. Бу ҳол то тинчликпарвар кучлар уларни тор-мор этгунча давом этиб турди. Биз ҳам қўрқув ва таҳликада яшаб юрдик. Муҳаббат бизни бу балолардан эсон-омон олиб чиқди. Ҳозир Масъуд билан биргамиз. Турмуш қурдик. У мени протез қўл олишга кўндирди. Ҳар қалай йўқдан кўра бор. Мени шу госпиталга ишга олишса, минглаб афғон ногиронларига ёрдамим тегарди. Ҳар қалай майибларнинг дардини мажруҳлардек ҳеч ким тушунмаса керак...

... Биз госпиталдан узоқлашар эканмиз, гавжум турган ногиронларга кўзимиз тушди. Ҳар бирининг инсоний қисмати, тақдири, ҳар бирининг қалбида қанчадан-қанча аянчли изтироблар, фожиа ва кечмишлар борлиги, уларнинг ҳар бирига буюк инсон деган тушунча билан қараш лозим эканлигини англайман. Ер юзида инсон зоти борки, ҳаммаси бахтга, саодатга, яхши яшашга бирдай тенг ҳуқуқли. Ҳеч кимни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо бу тенглик бузилар экан, Ер юзидаги тинчлик мувозанати бузилаверади. Ер юзидаги ҳар бир одам бирдай тенг ҳуқуқлидир. Ер юзидаги ҳар бир инсон хоҳ у гадо бўлсин, хоҳ қашшоқ бўлсин, хоҳ ҳуқуқсиз бўлсин, лекин у ҳамиша ҳазрати инсон бўлиб қолаверади. Чунки унинг қалби бор, заковати бор, инсонийлик ор-номуси, шаъни, идроки бор.

Мен Зарнигор билан хайрлашар эканман, унинг кўзларидаги шиддат мени ҳайрон қолдирарди.

— Сени ҳамиша ўз синглимдай эслаб юраман, — дея қўл узатдим. — Тинчлик-тотувликда, бахтли яшашингни тилайман.

— Тинчлик-тотувликни ҳеч ким бизчалик орзу қилмаса керак, — деди у ягона қўлини узатиб, ҳарбий госпиталдан анча узоқлашиб кетдик. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ушбу мисралари хаёлимда беихтиёр айланар эди:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Аждодлар гурури яшайди шаксиз,
Унда истиқомат қилади башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб, атаманг ҳаргиз
Ҳайҳот, қўзғалмасин, бу қалб дафъатан.

Муҳаммад ИСМОИЛ

ҲАМКОРЛИК

Зиёрат ва мулоқот

Аслида бу тадбир янгилик эмас. Аммо Андижон ва Самарқанд вилоятлари қалам аҳли унга ўзига хос руҳ бағишлади. Икки кун давомида кўҳна замин аҳли Бобур юрти ҳақидаги телекўрсатувларни томоша қилди, андижонликларнинг ҳаёти билан танишди. Вилоят газеталарнинг "Андижоннома" — "Андижанская правда" билан қўшма сонлари чиқарилди.

Ўз навбатида водийлик журналистлар қадимий шаҳардаги тарихий обидалар салоҳияти ва бунёдкорлик ишларини эътибор ва иштиёқ билан ўргандилар, мақола ва телелавҳалар уюштирдилар. Мезбонлар эса ҳамкасбларнинг маҳоратларини, ўзига хос услубларини синчковлик билан кузатдилар. Ва ўзаро мулоқотларда маҳорат ҳамда услуб журналистлар фикр алмашувининг асосий мавзусига айланди.

Хусусан, матбуот уйидаги давра суҳбати тажриба ва нуқтаи назар фестивалига айланди. Бу ерга профессионал журналистлардан ташқари жамоатчи мухбирлар, ёшлар ташриф буюрдилар.

— Бир пайтлар маърифатли жадидлар яратган маҳорат мактаби анъанаси самарқандлик ҳамкасбларимиз томонидан қатъиятлилик билан давом эттирилаётгани бизда ҳавас уйғотди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилоят бўлими раиси Назар Саидов. — Муҳими, бу иш ҳамжиҳатлик билан олиб борилаяпти.

Шунингдек, меҳмонлар "Зарафшон" газетасида мухбирларнинг замонавий техник восита билан таъминлангани, "Эрудит" ижодий бирлашмасида ходимлар ижтимоий муҳофазаси яхши йўлга қўйилгани, вилоят телерадиокомпанияси (СТР), "СТВ" телеижодий уюшмасидаги муаллифлик кўрсатувлари телеижодий уюшмасида муаллифлик кўрсатувлари ҳамда бевосита мулоқот кўплигини эътироф этдилар.

— Андижонлик ижодкорлар матбаачиликда анча илгарилаб кетишибди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раиси Амри ака Аҳмедов. — Ҳатто тармоқ ва хусусий газеталар чиройли кўринишда, сифатли чоп этилган. Уларни газетхонга етказиш намунали ташкил этилган. Туман газеталари адади 3-5 минг нусхадан кам эмас.

Самимий мулоқотлар натижаси ҳамкорлик шарномалари билан якунланди. Улар ҳар ойда икки марта босма нашр ва телевидениеда ўзаро материал алмашишга келишиб олдилар.

Фармон ТОШЕВ

МАДАНИЯТ

МЕРОС

Ноёб дурдоналар хазинаси

Бебаҳо хазина ҳисобланмиш китобнинг ҳар бир варағи олтиндан қиммат, унда муаллифнинг кўп йиллик меҳнати акс этади.

Айниқса, буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб асарлар, минг йиллик тарихга эга дурдоналардан бугунги авлод ҳам баҳраманд бўлмоқда. Узоқ ўтмишдан сақланиб келинаётган қадимий қўлёзма асарлар орқали тарихий воқеа-ҳодисалар, маданият ва илм-фаннинг турли тармоқларига оид маълумотлар кейинги авлодларга етиб келган.

Бундай қимматбаҳо асарларни асрлар мобайнида асл ҳолича сақланишида эса Қўлёзмалар фондининг тутган ўрни аҳамиятли. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган ноёб Қўлёзмалар фонди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти таркибида фаолият олиб боради. "Шарқ қўлёзмалари" фондининг мудири, тарих фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Маҳмуд ҲАСАНИЙ билан суҳбатимиз шу илм масканининг илк қадамлари ҳақидаги мулоҳазалар билан бошланди.

– Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси ўзининг бойлиги ва илмий қиммати жиҳатидан дунёда қадимий қўлёзма китоблар сақланадиган энг машҳур масканлардан бири ҳисобланади. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти 1943 йил Ўзбекистон давлат халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси)нинг Шарқ бўлими асосида ташкил топган. У 1950 йилгача шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти деб аталган, сўнгги йилларда эса институтда олиб борилаётган илмий соҳалар қамровини ҳисобга олиб, шарқшунослик илмий тадқиқот институти деб номланди.

Дастлаб институтда шарқ қўлёзмаларини ўрганишга мўлжалланган ягона бўлим мавжуд бўлиб, кейинчалик институтнинг доимий равишда кенгайиб бораётган фаолияти қўлёзмаларни таснифлаш, илмий ўрганиш ва тавсифлаш, тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш, шунингдек, Шарқ мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда Марказий Осиё билан алоқаларини ўрганиш бўлимларини ташкил этишни тақозо қилди. Институтнинг илмий фаолияти, асосан, унинг Қўлёзмалар фонди билан боғлиқ. Бу хазинада сақланаётган асарларнинг ичида энг қадимийси IX асрга оид (мисол учун Қуръони Каримнинг куфий хати билан китобат қилинган нусхаси), энг янгилари эса XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Қўлёзмалар мажмуасидаги асарлар ўзбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбойжон, турк, татар ва бошқа Шарқ халқлари тилларида ёзилган.

– Суҳбатимиз аввалида Қўлёзмалар фондини "ноёб хазиналардан бири" дея эътироф этдингиз. Ҳозирги кунда сақланаётган нодир асарлар ва қўлёзма китоблар ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтиради... Қўлёзма фондида асосан қандай турдаги асарлар мавжуд?

— Қўлёзмалар хазинасида 25621 жилд қўлёзма китоб, 29300 жилд тошбосма ва босма китоблар сақланмоқда. Одатда бир жилдга бир неча асар жамланади. Шуни инобатга олсак, қўлёзмаларимизнинг сони янада ошиб кетади. Улар Марказий Осиё, шунингдек, Шарқ мамлакатлари, араб давлатлари, Афғонистон, Покистон, Туркия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон тарихини ўрганишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Институт ташкил топган дастлабки йилларда хазинада сақланаётган қўлёзмалар фихристини нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Мустақиллик йилларидан олдин, яъни 1988 йилда институт қўлёзмалар ҳазинасида 40 мингдан зиёд қўёзмалар ва 30 мингдан ортиқ тошбосма асарлар сақланар эди. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси президиумининг қарорига мувофиқ Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти шарқшунослик институти билан бирлаштирилди. Натижада мазкур институтдаги 21 мингдан ортиқ қўлёзма ва 10 мингта тошбосма асарлар шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасига қўшилди. Ҳозирги вақтда институт фондида жами 70 мингдан ортиқ қўлёзма асарлар ва 40 мингдан зиёд тошбосма ва босма асарлар сақланмоқда.

Қўлёзмалар мажмуасида Шарқнинг буюк сиймолари ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, ал-Мотуридий ва бошқа буюк алломаларнинг асарлари ўрин олган. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг Абдулжамил котиб, Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган девонлари, Абдураҳмон Жомийнинг ўз қўли билан кўчирган асарлари, шунингдек, ўзбек ва форс шоирларининг кўплаб девонлари сақланмоқда.

– Ноёб қўлёзма асар ва китоблардан нусха кўчириш ҳамда тадқиқ этиш ишларида кўпроқ қайси давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган?

– Хусусан, 2000 йилда институтнинг қўлёзмалар хазинаси дунёнинг энг бой мажмуаси сифатида ЮНЕСКО Маданий мероси рўйхатига киритилди. Ҳозирда араб давлатлари билан ҳамкорликда китоблар чиқарилаяпти. Яқинда Эрон элчихонасининг маданият бўлимидан келган бир гуруҳ ташаббускорлар биз билан ҳамкорликда форс тилидаги девонларни Теҳронда нашрдан чиқариш таклифини киритди. Қолаверса, Марказий Осиё тарихи, тасаввуф, аниқ фанлар ҳамда илмий ишлар олиб борувчи муассасалар, жумладан, ЎзРФА тизимидаги тил ва адабиёт институти, Темурийлар тарихи ҳамда Адабиёт музейи ходимлари, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Имом Бухорий номидаги олий диний маъҳаднинг ўқитувчи ва талабалари унумли фойдаланадилар. Айниқса, Шарқ мамлакатларидан келаётган олимларнинг сони кўп. Бундан ташқари институт қўлёзма асарлар фонди юқори мартабали хорижий меҳмонларнинг тез-тез ташриф буюрадиган илмий маркази ҳисобланади. Германия, Япония, Франция, Эрон ва Қозоғистон олимлари билан ҳамкорликда институтда тайёрланган монография ва каталоглар ҳам ЎзФА-ШИ қўлёзмалари фондидаги ёзма манбалар асосида бажарилган ва ҳозирги кунда бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

– Тил ўрганиш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли, тилни мукаммал ўрганиб, бирор илмий асарни таржима қилиш эса ундан-да мураккаб жараён. Бевосита фаолиятингизга тўхталадиган бўлсак, уч йиллик қисқа муддат ичида 21 та китобни тадқиқ этиб, нашрдан чиқариш таҳсинга лойиқ иш. Сизни айни шу соҳага ким қизиқтирган?

– Ҳақиқатан, тил ўрганиб уни амалда қўллаш, яъни бирор асарни чет тилидан ўзбек тилига таржима қилиш кишидан кўп меҳнат талаб қилади. Ҳаттоки чет тилини мукаммал биламан деган киши ҳам аниқ бир фандаги илмий сўзларни таржима қилиш давомида барибир қийинчиликларга дуч келади. Илк фаолият бошлаган даврдан ҳозирга қадар юздан ортиқ китоб ва мақолалар чиқарган бўлсам, уларнинг аксариятини араб, форс, турк, озарбойжон тилларидан таржима қилганман. Яқинда "Мифтоҳ-ул-асрор" (Сирлар хазинаси) китоби нашрдан чиқди. Келгуси йил нишонланадиган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб Мавлоно Хароботийнинг эски ўзбек тилида ёзилган 3 томли китобининг ўзбекча таржимаси Тошкентда нашрдан чиқариляпти. Хоразмлик Саид Одина Муҳаммаднинг "Тавбат ут-тоибин" (Тавба қилувчиларнинг тавбаси), "Миръот ул-обидин" (Обидларининг кўзгуси) асарларининг ўзбекчаси Тошкентда, форсчаси эса Теҳронда босилмоқда. Шунингдек, 2001 йилда "Адаб бўстони ва ахлоқ гулистони" ҳамда "Адабнома" номли китобларим Хитойда чоп этилган. Ижодий фаолиятим давомида тўплам ва журналларда юздан ортиқ мақолалар чоп эттирдим. Мени шу соҳага қизиқтирган инсон, ҳам устозим отам бўлади. Андижон вилояти Мингтепа (аввалги Марҳамат) туманида яшаган бобом қози бўлганлар. Отам Маҳдум Босилий йирик шоир ва олим бўлган, араб ва форс тилларида шеърлар ёзган. Улар томонидан йиғилган 700 жилддан иборат араб ва туркий тилдаги қўлёзмалар мерос қолди. "Унвон ул-баён" (Ҳикматлар ва уларнинг форс тилидаги таржимаси) китобини чоп эттиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ҳозирги кунда Босилийдан қолган китоблардан махсус фонд ташкил этдик. Бугунга келиб "Маънавий мерос" деб аталувчи ушбу марказни нодир қўлёзма ва китоблар билан янада бойитиб боряпмиз. Ўз касбининг малакали мутахассиси бўлган устозларим Убайдулла Каримов, Ибн Сино асарларини шеърий усулда таржима қилган Абдусодиқ Ирисов, Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Абдуфаттоҳ Расулов, Азиз Лазиззода, Шорасул Зуннун, араб адабиёти бўйича етук мутахассис Исматулла Абдуллаев ва бошқа тажрибали олимлар бу ишларда яқиндан ёрдам бериб, шу касбнинг сир-асрорларидан воқиф этди. Ишнинг машаққати шундаки, бу соҳада фаолият юритадиган киши тилни мукаммал билиш, қўлёзмаларни ўқий олиш қобилиятиги эга бўлиши керак.

– Сиз таҳсил бераётган олий билим даргоҳидаги талабаларнинг, умуман ёшларнинг қўлёзмаларни ўқишга, таржима қилишга, китоб ёзишга бўлган иштиёқи, қизиқишларини қай даражада баҳолайсиз?

– Бугунги давр ёшлари анча сергайрат ва қобилиятли. Институтда таълим олаётган талабаларнинг кўпчилиги араб, форс тилларини мукаммал билади, бироқ ёшларнинг иштиёқи баланд бўлгани билан мураккаброқ ишга ёндашиши учун бироз журъат етишмай қолади. Асосан тиббиёт тарихи билан шуғулланганим, табобатга оид асарлар ёзганим учун талабаларни ҳам шу соҳага жалб қиламан. Уларнинг айримлари табобатга қизиқади-ю, аммо бу соҳа қийин, деб илмий ишини олишмайди. Ўз йўналиши бўйича аспирантурага кирган талабалар институтимизнинг қўлёзмалар фондида амалиёт курсларини ўтайди, ходимларнинг иши билан танишиб тажриба алмашадилар. Қобилиятли ёшлар топшириқ асосида шарқшунос олимларнинг ишини ўрганиб чиқиб, мақола ёзишга ҳаракат қиладилар.

"Нодир қўлёзмалар" фондида 15 дан ортиқ илмий ходимлар фаолият юритади. Институтдаги ҳар бир ходим маълум бир асар устида иш олиб боради.

– Қилинган ва амалга оширилажак ишларнинг самарасини, асосан, нималарда кўрасиз? Келгусида яна қандай янги режалар устида иш олиб бораяпсиз?

– Ўз олдимга қўйган мақсад ва режаларим интиҳосиз. Ўғлим Убайдуллоҳга бағишлаб "Фавойид ул Убайдия" (Убайдуллоҳга аталган фойдалар) номли мақлуб санъатида, (ушбу санъатда сўзлар алмашинуви бўлиб, ундаги ҳарфларнинг ўрни алмаштирилса, бошқа бир янги сўз ҳосил бўлади. Ёки сўзни тескари қўйиш билан янги сўз ясаш, масалан, нок –кон, қорақоқ, сароб-босар ва бошқалар) ёзилган одоб-ахлоқга оид асар ҳамда Амир Темурга белбоғ қиличи ясаб берган усталар ва уларнинг авлодлари ҳақида баён этилган "Амир Темур шамширсозлари" номли китоб устида ишлаяпман. Ушбу қўлланмалар яқинда нашрдан чиқса, китобхонлар ҳам баҳраманд бўлади.

Ёзган ижодий асарларим ва меҳнатим самараси ўлароқ 2003 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим. Бу юксак рағбат биз ижод аҳлини янада илмий изланишлар қилишга ундайди.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА суҳбатлашди.

СПОРТ

ЖАМОАЛАРИМИЗ ЮҚОРИЛАДИ

www.uff.uz сайти Тошкентнинг "Пахтакор" ва "Қурувчи"жамоалари Халқаро футбол тарихи ва статистика федерациясининг (IFFHS) рейтинг жадвалида юқорилади, деб хабар тарқатмоқда. Ушбу икки клуб ўтган ойга нисбатан жадвалда деярли 100 ўрин юқорига кўтарилган.

"Пахтакор" 98,0 балл билан 214-ўриндан 133-поғонадан ўрин олган бўлса, "Қурувчи" эса 94,5 балл билан 147-ўриндан жой олди. Клубларимиз ушбу кўрсаткич билан Осиёда 8 ва 11-ўринларни эгаллаб турибди. Яна бир клубимиз "Нефтчи" эса Топ-350 ни тарк этди.

"РЕАЛ" ЧЕМПИОН

Мадриднинг "Реал" футбол жамоаси Испания чемпионатининг 35-тур доирасида меҳмонда "Осасуна" жамоасига қарши тўп суриб, 1:2 ҳисобида иродали ғалабага эришди. Учрашувнинг 83-дақиқасида Пуньян пенальтини аниқ бажариб мезбонларни олдинга олиб чиққан бўлса, Роббеньо ва Игуаиналарнинг киритган голлари мадридликларни жорий йилда ҳам олтин медаль соҳибига айлантирди.

АМПУТАНТЛАР РОССИЯДА

Бутун жаҳон ампутантлар футбол федерацияси(WAFF) Россия футбол иттифоқи ҳамда «Стройтрансгаз» ОАЖ билан ҳамкорликда 24 майдан 1 июнгача ампутант футбол клублари ўртасида «Бутунжаҳон ампутант футболи бўйича чемпионлар кубоги – 2008» дея ном олган халқаро турнир ўтказилади. Мусобақа ўйинлари Сочида «Спутник» соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтади.

Унда энг яхши 8 ампутант футбол клублари таклиф этилади. Жорий йил мусобақада Ўзбекистон, Россия, Бразилия, Либерия, Туркия, Буюк Британия, Эрон ва Украина жамоалари қатнашиш ҳуқуқига эга.

ОСКАР ДЕ ЛА ХОЙЯ ҒОЛИБ



Бокс бўйича жаҳонда олти вазннинг мутлақ чемпиони Оскар Де Ла Хойя биринчи енгил вазнда собиқ жаҳон чемпиони Стив Форбсни очколар ҳисобида (120:108, 119:109, 119:109) мағлуб этди. Учрашув юқори савияда Де Ла Хойянинг устунлигида ўтди. Лекин у рақибини йирик фарқ билан таслим қилолмади.

Оскар Де Ла Хойя навбатдаги жангини 20 сентябрда Флойд Мейвезер-кичкинага қарши ўтказади. Хабарингиз бор, Мейвезер-кичкина WBC йўналишининг ярим ўрта вазнда жаҳон чемпиони ҳисобланади.

Дониёр НАРЗИЕВ тайёрлади.

ИЗҲОР

Шукрона

Ноширлик — муҳаррирлик ишига киришганимга, мана, 55 йил тўлди. Шу йиллар давомида республикамизнинг салмоқли нашриёти "Ўқитувчи"да 30 йил, илм-фан ўчоғи бўлмиш "Фан" нашриётида 20 йил раҳбарлик қилдим. 9 май менинг туғилган куним. Бу йилги Хотира ва Қадрлаш куни 75 ёшга тўлдим. Бу йиллар давомида минглаб, миллионлаб дарслик-қўлланмалар, монографияю рисолалар дунё юзини кўришининг гувоҳи бўлдим.

Устозларим фидоий журналист, зиёлилар Зиёд Есенбоев, Натан Маллаевлар раҳбарлигида ҳам ноширлик-журналистлик, ҳам олимлик-ижодкорлик борасида катта бир ҳаёт ва ижод мактабини ўтадим. Бу — маърифат-маънавият мактаби бўлиб, мен ҳам тенгдош-сафдошларим қаторида бугунги кунда чироқ кўтарган зиёлилардан бирига айландим.

Шукрки, мустақилликка етиб, бу даврнинг ҳам тарихий — биринчи 17 йилини кўриб, унда фаол иш ва ижод ила яшаб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, ёшларга бу бахт қадрини англатишга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Йўлбошчимиз — Президентимизга катта раҳматки, менинг кўп йиллик, камтарин хизматларимни инобатга олиб, Мустақилликнинг 15 йиллигида "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотладилар. Мен, кекса маърифатчи учун бундан ортиқ эътибор бўлиши мумкинми? Яна шукрки, менинг, биз маърифатчи-ноширларнинг йўлимизни давом эттираётган иқтидорли шогирдларим бор. Уларнинг Ватан олдидаги хизматларидан, фидойи ижодий меҳнатларидан ҳақли фахрланаман.

Юртимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Наримон ҲОТАМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

АВВАЛИ

Туркистон хабарлари

Туркистон иейезди — олдимиздаги сентябрнинг 15-нда Туркистонда умумий иейезд йасалур экан. Ҳар убластдан бир вакил чақирилғон.

Очлиқ — Туркистоннинг мамлакат оғуқа идораси хабар берадирким: Туркистоннинг холи кўб оғир, киши бошига берилган нон ойда 4-6 қадоқдан (бир қадоқ=бир фунт=409,512 грам) артмайдур. Ерли халқнинг яхши озуғи бўлғон мева, ёздаги совуқдан битган, иссиқлиқ ва сувсизликдан ҳайвон ўлуми билан очликдан инсон мушкули кўпайиб турубдур.

Ҳуррият, 5 сентябр, 1917 йил.

Бухоро хабарлари

Бухорода матбуот ишларин йўлға қўйғали Бухоро ёшлари тарафиндан элли минг сўмлиқ бир ширкат очилди. Бокудаги бир мусулмон матбаасини сотиб олмоқ йақинда одам йибора эканлар. Тангри йўлларини очсун.

Ҳуррият, 5 сентябр, 1917 йил.

Нашрга тайёрловчи: Одилжон ШУКУР

РАССОМ ХАНДАСИ



— Кўшни, бир челак сув бериб юборинг, иатимос...

А.ҲАКИМОВ чизган.

ДЕЙДИЛАРКИ...

Хотиржамликни ўз қалбидан топа олмаган одам бошқа ҳеч қаердан топа олмайди.

Лев ТОЛСТОЙ

Бир жумлага... 10 минг сўм!

Ҳа, шундай. "Ҳуррият" мустақил газетаси ушбу сондан бошлаб, "топиб айтилган" ҳар бир "Афоризм", "Ҳафта ҳазили", "Киноя", "Фикр", "Ҳудди шундай деди", "Айтганча", "Дангал гап", "Шу ростми?" сингари рукнлар орқали эълон қилинадиган қисқа ва қизиқарли чиқишлар учун 10 000 сўмдан қалам ҳақи беришини эълон қилади!

Hurriyat — O'zingni anglat! Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сирдарёда — 8-367-374-81-53
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қорақалпоғистонда — 8-361-55-428-

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим Рўзиев

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.50

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-454 Адади: 7020 1 2 3 4 5 6 7 8